
Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 53 (7. 142) ◎ 1990 йил 5 март, душанба ◎ Баҳоси 3 тийин



⊙ **ШОЙИНИНГ ЯРАТИЛИШИ.** Тошкент тажриба пиллакашлик фабрикасининг моҳир пилла ўровчиси Шоҳиста Ҳожибоева.

Т. Каримов сурати.

СССР Олий Советининг учинчи сессиясида

СССР Олий Совети Миллатлар Советининг миллий сиёсат ва миллатлараро муносабатлар комиссиясининг бўлиб ўтган мажлисида СССР халқ депутатлари СССР Президенти лавозимини таъсис этиш ҳамда СССР Конституциясига тегишли ўзгартиришларга ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини муфассал муҳокама қилдилар.

Мазкур Қонуннинг федерация турмушидаги роли муҳокамаси теварагида бирмунча қизғин баҳс авж олиб кетди. Президент республикалар ва бошқа миллий-давлат тузилмаларининг шусиз ҳам тор ҳуқуқларини чеклаб қўймасмикан? Президент ҳузурида федерация кенгашини тузиш, мазкур кенгаш ишида республикаларнинг олий мансабли кишиларининг роли тўғрисида баҳс бормоқда. Комиссия аъзолари Қонун лойиҳасида Президент билан СССР Олий Совети ўртасидаги ўзаро муносабатлар етарлича тўлиқ таърифлаб берилмаган, деган хулосага келдилар.

— СССР Президенти лавозимини ташкил этишдан мақсад — ҳокимиятнинг қонунщунослик ва ижрочилик структурасини бирлаштиришдан иборатдир, — деб ҳисоблайди комиссия раиси Г. С. Таразевич. — Турмуш ҳар доим улар фикрларининг муштараклигига эришавермаслигини кўрсатиб туриби. Реал, қатъий ҳокимият етишмаётганлиги кундан-кунга янада кўпроқ сезилиб бормоқда. Бизнинг ижрочи органларимиз ишончсизлик билан иш кўриб, бир қанча вазиятлар туфайли СССР қонунларини амалга оширишга қурбилари етмаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ана шу масалаларни аниқ бир шахс — СССР Президенти ўз назоратига олиши керак.

Комиссия аъзолари мажлисда иттифоқдош республикаларнинг СССРдан чиқиши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини ҳам муҳокама қилдилар.

В. ЗЕНЬКОВИЧ,
ТАССнинг парламентдаги мухбири.

КПСС Марказий Комитети Пленуми материаллари

«КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари, 1990 йил 5-7 февраль» тўплами босмадан чиқди. Тўпламга М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси тўғрисидаги доклади, унинг Литва Компартияси ХХ съездининг қарорлари муносабати билан сўзлаган нутқи, муҳокама қилинган масалалар юзасидан музокараларда сўзланган нутқлар, КПСС Марказий Комитетининг бўлажак съездга Пленум маъқуллаган Ҳаракат дастури лойиҳаси, тегишли қарорлар, бошқа материаллар киритилган.

Китобни Сиёсий адабиёт нашриёти «Красный пролетарий» босмахонасида нашрдан чиқарди.

(ТАСС).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Зилзилага бардошли

⊙ **ШАҲРИМИЗНИНГ қўли гул бинокорлари томонидан «Марказ — 5» даҳасида бунёд этилган 16 қаватли турар жой биноси 124 оиланинг кўчиб киришига тахт қилиб қўйилди.** Бунёдкорлик ишларини 11-баланд уйларни қуриш трестига қарашли махсус темир-бетон қурилиш бошқармасининг қурувчилари олиб бордилар.

— Шаҳримиздаги кўп қаватли биноларнинг аксарияти панелли бўлгани учун биз яхлит уй қуриш услубидан фойдаландик, — дейди участка бошлиғи Аваз Каримов. — Жумҳуриятимиз пойтахтининг сейсмик зонада бўлганлиги ҳисобга олинган ушбу бино 9 баллгача зилзилага бардошли этиб қурилган, унинг кочструкциясидаги ўзига хос томони шундаки, анъанавий уйлардан фарқли ўлароқ ушбу бинонинг хоналарига думалоқ шакл берилган. Бундан ташқари айвонининг олдида ёзги дам олиш хонаси ҳам бор. Бинонинг 1-қаватида жойлашган иккита магазин эса аҳоли эҳтиёжини қондириш учун катта қулайлик яратади.

Д. ИСРОИЛОВ.

Яна саккизта

⊙ **САМАРҚАНД Дарбоза кўчасида бирваракайига 8 та турар жой биноси қад кўтармоқда.** Яқинда ана шу биноларнинг бири — 12 қаватли уй қуриб битказилди. Уни 12-трест 49-қурилиш бошқармасининг Х. Саматов бошлиқ қурувчилар бригадаси бунёд этишган. Қолган биноларни эса шу йилнинг охирига қуриб фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Б. ОРИПОВ.

Қулайликлар муҳайё

⊙ **БУГУН Куйбишев районининг Салор станцияси ёнида 160 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди.** «Ташгипрогор» лойиҳачилари мазкур жажжилар масканида қатор қулайликларни яратганлар. Бу ерда ҳар группа учун алоҳида ўйин, спорт майдонлари, қўзиқорин шаклида 8 соябон, жонли бурчак, шунингдек мавжуд ўйин жиҳозлари турли жониворлар шаклида бажарилган.

Бунёдкорлик ишларини баланд биноларнинг аксарияти панелли бўлгани учун биз яхлит уй қуриш услубидан фойдаландик, — дейди участка бошлиғи Аваз Каримов. — Жумҳуриятимиз пойтахтининг сейсмик зонада бўлганлиги ҳисобга олинган ушбу бино 9 баллгача зилзилага бардошли этиб қурилган, унинг кочструкциясидаги ўзига хос томони шундаки, анъанавий уйлардан фарқли ўлароқ ушбу бинонинг хоналарига думалоқ шакл берилган. Бундан ташқари айвонининг олдида ёзги дам олиш хонаси ҳам бор. Бинонинг 1-қаватида жойлашган иккита магазин эса аҳоли эҳтиёжини қондириш учун катта қулайлик яратади.

Қурилиш ишларини 11-баланд уйларни қуриш трестига қарашли махсус темир-бетон қурилиш бошқармасининг қурувчилари олиб бордилар.

— Шаҳримиздаги кўп қаватли биноларнинг аксарияти панелли бўлгани учун биз яхлит уй қуриш услубидан фойдаландик, — дейди участка бошлиғи Аваз Каримов. — Жумҳуриятимиз пойтахтининг сейсмик зонада бўлганлиги ҳисобга олинган ушбу бино 9 баллгача зилзилага бардошли этиб қурилган, унинг кочструкциясидаги ўзига хос томони шундаки, анъанавий уйлардан фарқли ўлароқ ушбу бинонинг хоналарига думалоқ шакл берилган. Бундан ташқари айвонининг олдида ёзги дам олиш хонаси ҳам бор. Бинонинг 1-қаватида жойлашган иккита магазин эса аҳоли эҳтиёжини қондириш учун катта қулайлик яратади.

Д. ОБЛАЕВ.

Ҳамкорлик шартномаси

⊙ **ХАЛҚ хўжалигини бошқаришнинг муҳим йўналишларини атрофлича ўрганиш бўйича жойларда кўплаб социологик кузатишлар олиб борилмоқда.**

Тошкент Давлат дорилфунуни социологлари яхши ташаббус билан чиқдилар. Ушбу масалаларни ўрганишга бағишланган илмий анжуман чақиришга қарор қилинди. Бу илмий-амалий тадбиқ шу йилнинг кузида дорилфунунда ўтказилади.

Олий ўқув юрти бошлаган бу хайрли иш жумҳуриятимиздаги, шу жумладан Иттифоқимиздаги қатор институтлар томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Томск давлат университети социологлари бу ҳаракатдан хабар топиб, ўзбек ҳамкасблари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатишга киришдилар. Учрашувда ҳар иккала олий ўқув юрти социология лабораториялари илмий лойиҳалар тайёрлашга қаратилган ҳамкорлик шартномасини ҳам тузиб олдилар.

А. АЛИЕВ.

Фарзандларимиз учун

⊙ **СОБИР РАҲИМОВ районидаги маҳаллаларида тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш юзасидан кўрилаётган тадбирлар яхши самара бермоқда.** Яқинда ўз фаолиятини бошлаган «Бойчечак» болалар клуби «Маҳалла» дастурини турмушга тадбиқ этиш йўлида қилинган хайрли ишлардан бири бўлди.

Клуб атрофлича тузилган режаларига эга. Бу тадбирлардан бир нечтаси эса амалга оширилди. Янги очилган бичиш-тикиш тўгараги аъзолари сони кўпайиб бормоқда. Ёш чеварлар тиккан кийим-кечаклардан иборат кичик кўргазма эътиборни ўзига тортмоқда.

Маданият ўчоғи учун ажратилган бинони сифатли ремонт қилиш ва зарур жиҳозлар билан таъминлаш учун район ижроия комитети уч минг сўмдан ортиқ пул ажратди.

С. ОДИЛОВА.

Ижодий имтиҳон

⊙ **МУСИҚА ижрочилигининг хор санъатини янада ривожлантириш мақсадида ўтказилаётган кўриклар бадиий ҳаваскорлик коллективлари ижодий ўсиши муҳим аҳамият касб этмоқда.** Халқ ижодиёти III Бутуниттифоқ фестивали доирасида кўрилаётган тадбирлар ҳам ёш истеъдодлар ижрочилик маҳоратларини оширишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Хор коллективлари ва ашула ансамбларининг Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти кўрик-конкурсларида талайгина ёш истеъдодлар ўз маҳоратларини муваффақиятли намойиш қилдилар. Олмалиқ металлурглари, Чирчиқ машинасозлари маданият саройлари хор коллективларининг чиқишлари илиқ қарши олинди. Тошкент тўқимачилик ва темирйўлчилар маданият саройларида фаолият кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик ансамбллари ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортди.

Пойтахт олий ўқув юртларида ҳам бир неча коллектив ижодий имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Тошкент Давлат дорилфунуни студентлар хори тайёрлаган қўшиқлар ижроси айниқса яхши баҳо олди.

А. АКБАРОВ.

Ёзувчи асари асосида

⊙ **УЛУҒ рус ёзувчиси А. П. Чехов ижодиёти умумхалқ мулкига айланиб қолган.** Улкан сўз санъаткори юбилейи муносабати билан мамлакатимизда ўтказилган тантаналарда юқоридаги фикр яна бир бор баралла айтилди.

Москвада бўлган халқаро ижодий анжуман ҳам шу санага бағишланди. «Чехов ва ХХ аср жаҳон маданияти» деган мавзуда амалга оширилган бу тадбир буюк адиб драмалари постановкаларининг чинакам кўригига айланди.

Анжуманнинг маданий программасига кўпгина етук театрлар томонидан саҳналаштирилган спектаклар киритилди. Унда Тошкентда жўшқин ижодий фаолият кўрсатаётган «Дард» театр-студиясининг янги постановкаси ҳам бор эди.

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси вакили сифатида Чехов юбилейи тантаналарига қатнашган мазкур театр студия ёзувчининг «Янги йил кечасида» пьесасини кўрсатиб, муваффақият қозонди.

А. АҲМЕДОВА.

Симда 02

Машина ўғрилари ушланди

⊙ **21 февралдан 28 февралгача шаҳримизда 489 та жиноят содир бўлди. Жиноятлардан 280 таси фош қилинди.** Уларнинг кўпчилиги машина ўғирлаш ҳоллари билан содир этилган жиноятлардир.

⊙ 22 февраль куни 354-кўчма механизациялашган участканинг бетон қуювчиси О. Безух Пушкин кўчасида жойлашган «Дарҳон» кооперативи олдида қаровсиз турган ВАЗ—21063 маркадаги «Жигули» автомобили салонидан ҳайдовчилик гувоҳномаси, машинанинг техник паспортини, чет эл видеокассетаси ва автомобилнинг орқа кўриш ойнасини ўғирлаб, жуфтакни ростламоқчи бўлиб турганида милиция ходимлари Шуваев ва Ли томонидан ушланди.

⊙ Шу куни соат 16 дан 42 минут ўтганда шаҳримизнинг Богдан Хмельницкий кўчасидан ММЗ—45021 маркадаги 05—32 ТНЛ номеридаги автомашинани номаълум киши томонидан олиб қочилгани ҳақида хабар олинди. Кўрилган чора натижасида ГАИ инспекторлари Солиев, Нурматов ва Фозиловлар томонидан машина ва уни олиб қочган 1965 йилда туғилган «Ташгеплосет»нинг слесари С. Козловский ушланди.

⊙ 25 февраль куни соат 3 дан 30 минут ўтганда Муқимий кўчасининг 15-уйи қаршисида кимсасиз турган ВАЗ—21063 маркадаги «Жигули» автомобилининг олд ойнасини олиб қочишганлиги ҳақида навбатчига хабар берилди. Муқимий кўчаси бўйлаб навбатчиликни ўтказаётган милиция ходимлари Турмонбеков, Хатамов ва Усарбоевлар бу хабарни эшитиб, ўғрини излай бошладилар. Тез берилган хабар ўғриларни тезда ушлашга ёрдам берди. У 1972 йилда туғилган, 30-ўрта ҳунартехника билим юртининг талабаси, 17 ёшли С. ва унинг ҳамтовоғи—1973 йилда туғилган ва ҳеч қаерда ишламайдиган Т. экан.

⊙ 26 февраль куни соат 21 дан 45 минут ўтганда «Қўйлиқ—4» массивида қаровсиз қолдирилган ВАЗ—2121 маркадаги Л 58—52 ТН автомобили номаълум кишилар томонидан олиб қочилган. Автомобиль эгаси аввал ўзи қидириб кўрган, тополмаслигига кўзи етиб, соат 22 да милицияга хабар берган. Қидирув натижасида соат 23 да олиб қочилган автомобиль Нариманов шаҳридан пачоқланган ҳолда топилди.

И. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг матбуот группаси ходими.

«Маҳалла» дастури—амалда

ЙЎЛЛАР РАВОН БЎЛАДИ

⊙ **Пойтахтимизда «Маҳалла» дастури қабул қилинган муҳим воқеалардан бири бўлди. Ҳозир маҳаллаларни обод қилиш, бу жойларда яшаётган аҳолига етарли шарт-шароитлар яратишга катта эътибор берилаяпти.**

Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари министрлиги маҳаллалардаги кўчаларни асфальтлаб бериш ташаббуси билан чиқди. Министрлик ходимлари, шаҳар ва район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгашлари мутасаддиларининг қўшма йиғилиши ана шу масалага бағишланди. Мажлис қатнашчилари бажариладиган ишлар кўламини тасдиқлаб олдилар. Яқин кунлар ва келажакда шаҳар бўйича 660 минг квадрат метр йўлларни ремонт қилиш кўзда тутилмоқда. Бу ишнинг амалга ошиши пойтахтимиз учун муҳим аҳамият касб этиши тайин.

Ўзбекистон ССР йўл қурилиши техника ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори Б. Нурмуҳиддинов биз билан суҳбатда шундай деди!

— Илгари шаҳар йўллари билан биз эмас, ижроқўмлар шуғулланар эди. Энди эса бу вазифани ўз зиммамизга олдик. Ҳозир маҳаллалардаги барча кўчалар ва ремонталаб йўлларнинг ҳажми ўлчанмоқда. Айниқса, Октябрь районининг «Шарқ», «Авангард», Литвинов номли, «Кўкча» маҳаллаларида ишлар қизғин бошлаб юборилди. Бошқа жойларга ҳам ишнинг кўзини биладиган мутахассислардан бириктириб қўйдик. Биринчи навбатда ёмон аҳволга келиб қолган йўлларни тузатиш мўлжалланаяпти. Шу мақсадда шаҳарга яқинроқ жойда учта асфальт заводи қурилиши кўзда тутилган, Белгиланган ишлар бажарилгач, заводлар шаҳар ихтиёрида қолади. Бу эса келгусида асфальт муаммоси ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган сўз. Уйлаймизки, бошқа министрлик ва идоралар ҳам бундай ташаббусдан ўрнак олишса маҳаллалардаги муаммолар тез орада ўз ечимини топади.

Д. САЪДУЛЛАЕВ.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

⊙ **Хайрли ишлар ҳеч қачон унутилмайди. Айни кунларда шаҳримиздаги маҳаллаларда ибратли тадбирлар олиб борилмоқда. Жумладан, Акмал Икромов район маҳаллалар ишини мувофиқлаштириш кенгаши раисининг ўринбосари Ш. Темуров мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:**

— Одамлар ўртасида меҳр-оқибат, раҳм-шафқат ва қадр-қиммат ўз ўрнини топиб бораётгани ҳаммамизни қувонтиряпти. Районимиз озиқ-овқат савдоси идораси биринчи квартал якуни бўйича пойтахтимизда ташкил этилган мусобақада иккинчи ўринни эгаллаган эди. Буни қарангки, жамоа мукофотга берилган 4710 сўм пулни маҳаллалар эҳтиёжи учун сарфлашга қарор қилди. Бу хайрли ташаббус, беқиёс ғамхўрлик кўпчилик қатори мени ҳам қаяжонга солди.

Ҳозир районда 32 та маҳалла бор. Ажратилган маблағни қандай эҳтиёжларга ишлатиш масаласи кенгаш йиғилишида муҳокама қилиниб, уни Наврўз кунлари маҳаллаларда байрамни нишонлашга, зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари харидига сарфлашга қарор этилди.

С. ШОДИЕВ.

Уй-жой қурилиши «Оқшом» назоратида

ҚАЧОНГАЧА ПАНД БЕРАСИЗ?

СЕРГЕЛИ районининг 8 «а» даҳаси қурилиш майдонларида бўлдик.

— Шу ерда, 1-уйсозлик комбинатининг 26-қурилиш бошқармасида прораб бўлиб ишлайман, — таништирди ўзини Ҳусан Маҳмудов. — Умуман бу даҳа қурилиши бундан икки йил бурун бошланган эди. Ҳозиргача 17 та тўққиз қаватли турар жой биноси фойдаланишга топширилди. Шу йил январь ойининг ўзида 180 квартирали иккита уйнинг калитлари эгаларига берилди. Айни пайтда яна тўртта бино қурилаяпти. Айниқса Солиҳ Маҳмудов бригадаси аъзолари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Собир Тўлаганов, бетон қуювчи Азиз Саматов, монтажчи Рихсилла Асилов, дурадгор Сотиболди Ҳасанов, пайвандловчи Турғун Комилбеков каби қурувчилар муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

— Шунга қарамай объектда бир қатор камчиликлар мавжуд, — сўзида давом этди прораб. — Масалан, 1-уйсозлик комбинати томонидан қатъий планлаштирилган қурилиш материаллари ҳамма вақт ҳам ўз вақтида етказиб берилавермайди. Баъзан қурилиш материалларининг сифатсизлиги бинокорлик ишларимизда анча қийинчиликлар туғдиряпти. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, қурилишга келган темир-бетон плиталарининг чети учган, дарз кетган, плиталарнинг ёриғи бетон қоришмалари билан тўлдирилган ҳолда келади. Келес ғишт заводидан олиб келинадиган ғиштларнинг сифатсизлиги ҳам темир-бетонларникидан қолишмайди. Олиб келинган ҳар уч минг ғиштдан 1,5 минги синиқ чиқаяпти. Билмадим, ғишт заводидагилар фақат синиқ ғишт чиқараётганмикан? Ёки темир-бетон плиталарининг юқори қавати учун мўлжалланган қисми биринчи олиб келинади-да, пастки қаватдаги қисми анча кечикиб келтирилади. Натижада қурувчилар кўпинча ишсиз туриб қоладилар.

Шунингдек, асфальт-бетон, 6-темир-бетон бу юмлари заводлари шартномаларни мунтазам равишда бузишяпти. Масалан, бир кунда 18 куб метр бетон қоришмасига буюртма берсангиз, ўша куни бор-йўғи 3 — 4 кубинигина олишингиз мумкин. Баъзи кунлари шу бетон қоришмалари умуман олиб келинмайди. Ўтган ойда қурилиш материалларининг вақтида келмаслиги натижасида роппароса 10 кун туриб қолдик. Ўн кун ичида бир куб ҳам бетон қоришмаларини ололганимиз йўқ.

Шунингдек, шу заводлардан олиб келинаётган асфальт ва бетон қоришмалари қоғозда ёзилганидан кўпинча кам чиқади. Қоғозда 14 тонна деб олиб келинадиган асфальт 10 тонна ҳам чиқмаслиги мумкин. 3 куб метрдан ошиқ кетмайдиган машинада олиб келинадиган қоришмани, нимагадир 3,6 тонна деб ёзишади. Агарда уларга олиб келинган бетон қоришмаларни ёки асфальтларни қоғозда ёзилганидан кам деб қўйинг-чи. Ундан кейин ўша заводдан бетон ёки асфальт олишнинг ўзи бўлармикин?

Қурилиш ишларининг кўнгилдагидек бормаслигининг яна бир сабаби объектда техниканинг етишмаслиги ҳамда шу техник жиҳозларнинг тез-тез ишдан чиқиб туришидадир. Масалан, ҳозир объектда битта ҳам экскаватор йўқ. Ваҳоланки, қурилишда 3—4 экскаватор ҳаммавақт бўлиши керак. Кўтарма кранлар тез-тез ишдан чиқиб туради. Сабаби, улар жуда эски. Бу кранларда иккита мотор бўлиши керак. Уларда эса биттадан мотор бор. Натижада ҳамма оғирлик бир моторга тушади-да у тез ишдан чиқади. Эскини ямагунча эсинг кетади деганларидек, 3-механика бошқармасидагилар ҳам бу кранларни тузатиш билан овора.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қурилишнинг суст боришига юқорида номлари тилга олинган заводлар айбдор. Улар мазкур қурилишни сифатли темир-бетон ва ғишт маҳсулотлари билан вақтида таъминлаб турганларида эди, иш шунақа оркага сурилиб кетмас эди. Иккинчидан мутасадди ташкилотлар қурилишни ўз вақтида техника билан таъминлашмаяпти. Шу сабабларга кўра ўтган йили қурувчилар 89 минг квадрат метр ўрнига 65,5 минг квадрат метр уй-жой қуришга эришдилар, холос.

Ўйлаймизки, таъминотчи раҳбарлар танқиддан тўғри хулоса чиқариб, камчиликларни тугатадилар.

Ғ. ЮСУПОВ.

МУСТАҲКАМ ЖАМОАТ ТАРТИБИ УЧУН

2 март куни ўтказилган илмий-амалий конференцияда жамоат тартибини ва граждан-ларнинг хавфсизлигини муҳофаза этиш тўғрисидаги қонунларни қўлланиш юзасидан ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Юристлар уюшмаси ва республика Олий суди ташкил этган бу анжуманда ички ишлар органлари, прокуратура ходимлари, судьялар, адвокатлар, олимлар иштирок этишди.

Жамоат тартиби ва граждан-ларнинг хавфсизлигига таҳдид солувчи варақалар ва бошқа материалларни тайёрлаганлик ва тарқатганлик учун, миш-мишлар ва уйдирмаларни тарқатганлик учун жавобгарликни белгилаб қўйиш, шунингдек ижозат берилмаган йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари, намойишлар ва пикетларни ташкил этиш ва ўтказиш учун шароит яратганликлари учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини белгилаб қўйиш тўғрисидаги сўнгги ойда қабул қилинган қонун актларини конференция аҳли яқдиллик билан маъқуллади. Аммо шу ва бошқа қонунлар ҳамма жойда ҳам бир хилда бажарилаётгани йўқ. Шу муносабат билан конференцияда мустаҳкам жамоат тартибини таъминлашга қаратилган қонунларни қўлланишнинг самарасини ошириш юзасидан аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари фаолиятини мувофиқлаштириб туришни яхшилаш, давлат ва жамоат ташкилотлари, муассасалар ва корхоналар ёнида пикетда туриш ҳолларига ўз вақтида жавоб беришнинг шакл ва усулларини такомиллаштириш, ижозат берилмаган йиғилишлар ўтказилишига уринишни пайнни қирқишнинг, ҳуқуқбузарларни ушлашда милиция ходимлари фаоллигини ошириш ва уларнинг айбини очиб ташлайдиган ишончли далилларни судга тақдим этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Фотосуратлар, видеоёзувлар ва фоноёзувлардан намойишлар, митинглар ва кўча юришлари қатнашчиларининг нечоғли айбдор эканлигини аниқлашда фойдаланиш имконияти борлиги айтилди. Ижозат берилмаган йиғилишлар ташкилотчилари ва фаол қатнашчиларининг хати-ҳаракатлари жиноий тусда бўлганлиги таъкидлаб ўтилган, аммо дастлабки тергов органлари ва судьялар жиноий иш қўзғатмаганлар. Бу айниқса, жамоат тартибини қўриқлаш юзасидан ўз бурчларини адо этаётган милиция органлари ходимлари, кўнгилли халқ дружиначилари ва ҳарбий хизматчиларни ҳақорат қилиш, уларга қаршилик кўрсатиш ва бу хизматчиларнинг саломатлигига тажовуз этиш ҳоллари кўпайиб бораётганга тааллуқлидир. Конференция қатнашчилари республикамизда мустаҳкам жамоат тартиби ўрнатишлари лозим бўлган ҳуқуқни муҳофаза этиш органларига бир қанча таклифлар тавсия этдилар ва ўз истакларини айтдилар.

САРМОЯЧИЛАР МАРКАЗИ

Ўзбекистонда ишлаётган «Турон» ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси билан Ҳиндистоннинг «В. К. Конструкция воркс ЛТД» компанияси ўртасида Тошкентда бизнес марказини қуриш тўғрисида битим имзоланди.


Совет—Ҳиндистон ҳамкорлигининг шарофати билан ташкил этилган ушбу марказ ССРда уддабурон мўлжалланган тўнғич марказлардан бири бўлади. Марказда халқаро миқёсдаги 300—400 ўринли меҳмонхона, согломлаштириш комплекси бўлади. Бизнесменларга қулай бўлиши учун ҳар бир хона телекслар ва телефакслар билан жиҳозланади. Марказда амалий музокаралар олиб бориш учун заллар бўлади. Чет эл компанияларининг Тошкентдаги ваколатхоналари бу ерда ўз қароргоҳларини жойлаштиришлари мумкин.

Совет томони қурилиш материаллари ажратади, ишчи кучи беради. Ҳиндлар эса лойиҳани ишлаб чиқадилар, қурилишни назорат қиладилар, уни безатишни таъминлайдилар.

— Ўзбекистон бизнинг чет элдаги дастлабки шерикларимиздан бири бўлди, — деди «В. К. Конструкция воркс ЛТД» фирмасининг директори Винод Кумар Гарг. — Биз Ҳиндистонда кўп йиллардан буён уй-жой ва ишлаб чиқариш бинолари қуряпмиз. Ишимиз яхши, ростини айтадиган бўлсам, хориждан шерик қидиришга зарурат йўқ эди. Совет бозорига киришимизнинг икки сабаби бор. Биринчидан, Ўзбекистон— Ҳиндистоннинг синовдан ўтган эски шеригидир. Бундан ташқари бизнес маркази бунёд этиш учун зарурат бор, деб ҳисоблаймиз. Неча ўнлаб чет эл фирмалари республикангиз билан савдо-иқтисодий муносабатларни йўлга қўйишга ҳаракат қилмоқдалар. Ишнинг муваффақияти эса уддабурон кишилар қандай шароитда ишлаётганига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Куни кеча «В. К. Конструкция воркс ЛТД» фирмаси Қўқонда халқаро миқёсдаги 300—400 ўринли меҳмонхона қуриш хусусида Қўқон шаҳар ижроия комитети билан яна бир битим тузди. «Турон» ташқи иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси иккала манфаатдор томон ўртасида воситачи бўлди. «Турон» яқинда тузилган бўлса ҳам, дастлабки амалий ишларни бошлади. «В. К. Конструкция воркс ЛТД» фирмаси «Турон» уюшмаси билан алоқа ўрнатган Ҳиндистондаги иккинчи компаниядир. «Турон» билан биринчи бўлиб алоқа боғлаган шерик «Датамейшн» фирмасидир. У билан Ўзбекистонда мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган чоғроқ корхоналар шохобчасини бунёд этиш, меҳмонхоналар қуриш ва ишлатиш, шунингдек бир марта қўлланиладиган шприцлар заводи қуриш ва ишлатиш ниятни изҳор этилган протоколлар имзоланди.

И. ГРЕБЕНЮК,
ЎзТАГ мухбири.



⊙ МЕҲНАТГА МЕҲР. Кўн-атторлик ва спорт буюмларн ишлаб чиқарш бирлашмасининг ветеранн Баҳром Умаров кексалигига қарамай ишга меҳрн туфайлн корхонада ўз фаолиятнни давом эттнрмоқда.

Х. Мирзакаримов сурати.



⊙ БАЙРАМНИ ҚАРШИЛАБ. Республика агроқурилишининг техника маркази лойиҳачилари Фарида Пенькова ва Наталья Сидоровалар Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март байрамнн меҳнатда муносиб кутиб олишяпти.

Ҳ. Солиҳов сурати.

АМАЛИЙ ҒАМХЎРЛИК

Тошкент дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирлашмаси иш тажрибасидан

⊙ Бирлашманинг бош корхонаси бинoси қуриб битказилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Илгарилари кичик, эски бинoларда иш кўрган ишчилар янги бинода янги техника билан иш кўра бошлагач, меҳнат самарадорлиги кескин кўтарилди.

БОШ корхона лойиҳа қувватига кўра ҳар куни 360 тонна донни қайта ишлаб, 244 тонна соф маҳсулотни буюртмачиларга жўнатади. Шу маҳсулотнинг 80 тоннаси, яъни пакетларда қадоқланган гуруч фақат Тошкент шаҳри озиқ-овқат магазинларига жўнатилади. Корхонада талайгина муаммолар бор эди. Айниқса юқоридан бўлаётган буйруқбозлик маҳсулот сифатининг кескин ёмонлашувига ва тонна-тонна хом ашёнинг исроф бўлишига олиб келганди. Элеваторларга нам тортган донлар уйиб ташланганию, уларни ажратиб машиналарга қўйишнинг ўзига қанча-қанча куч сарфлангани, бир-бирига ёпишиб қолган донлардан табиий гуруч ўрнига сифатсиз оқшоқ чиққанини корхона ишчиларининг аксарияти яхши эслашади. Ўша кезларда вагонда қандай дон келмасин, ўша ҳолда олишга мажбур эдилар. Бугун эса иқтисодий мустақиллик, қолаверса талабчанлик натижасида бундай ҳолларга чек қўйилди. Бирлашма билан шартнома тузган барча ташкилотлар донни ўз вақтида етказиб турибдилар. Бугун бирлашмага келтирилаётган дон маҳсулотларининг 60 фоизи жумҳурият колхоз ва совхозларидан, 40 фоизи эса Қозоғистондан келтирилади.

Бирлашмадаги улкан элеваторлар эса дон сақлашга мўлжалланган. Бундай «махсус омборлар»да корхона ўз ишини бир ой давомида узлуксиз иш билан таъминлайдиган ҳажмда дон маҳсулотларини сақлайди. Бу нима учун керак, деб ҳайрон бўларсиз. Ахир, кўпгина корхоналар айни пайтда хом ашё етказиб берилмаётганлигини рўкач қилиб ишни тўхтатиб қўйишаётгани ҳеч кимга сир эмас-ку. Бирлашмада эса ана шундай ҳол юз берса ҳам иш тўхтамайди. Албатта, коллективдагилар ўзлари билан ҳамкорлик қилаётган деҳқонлардан ҳозирча мамнунлар. Чунки буюртмалар ўз вақтида етказиб келтириляпти.

Коллектив зиммасига юкланган мажбуриятлар маҳсулотнинг ҳажмигагина эмас, балки сифатига ҳам кўпроқ эътибор беришни талаб қилади. Ҳозирги пайтда ишчилар комбинатдан чиқаётган барча маҳсулотнинг 35 фоизини олий ва биринчи нав билан, 20 фоизини 2 нав ва 10 фоизини оқшоқ тариқасида чиқаришлари керак. Сўнгги ойларда эса олий ва биринчи навли гуручнинг ҳажми 41 фоизга етганлиги қувончли, албатта.

— Биз асосий эътиборни инсон омилига қаратяпмиз, — дейди бирлашма бош директори Т. А. Шодимов. — Меҳнат коллективи кенгаши билан биргаликда ишчиларни моддий рағбатлантириш, пенсияга кетаётган ишчиларимизга ёрдам тариқасида пул ажратиш, фарзанд кўрган аёлларга корхона ҳисобидан нафақа белгилаш масалаларини кўриб чиқдик.

Корхона меҳнат коллективи кенгашининг ишлаб чиққан махсус Низомига кўра фарзанд кўрган аёлларга боласи бир ёшга етгунга қадар 35 сўм социал суғурта жамғармаси ва унга қўшимча 15 сўм корхона ҳисобидан ажратиляпти. Иккинчи ва учинчи йили эса оналарга ҳар ойда 50 сўмдан маблағ айнан корхона фондидан ажратиб бериляпти. Узоқ муддатли отпуска тугаши билан бу имтиёзлардан фойдаланиш ҳам тўхтатилади.

Ҳозирги пайтда коллективда кадрлар қўнимсизлигига батамом чек қўйилган. Корхонада бу муаммо кун тартибидан тушиб қолган, дейиш мумкин. Айни пайтда бирлашманинг барча участкалари ишчи кучи билан тўла таъминланган.

Маъмурият пенсияга кетаётганларга қуйидагича нафақа тўлашни йўлга қўйган: бирлашма ва унинг бўлинмаларида 10 йил ишлаган ишчи 10 та ўртача иш маоши, 15 йил ишлаганлар 15 та иш маоши ва ниҳоят 25 йил ишлаганлар 25 та маош ҳажмида моддий ёрдам олишлари мумкин. Лекин моддий ёрдам 5 минг сўмдан ортиб кетмаслиги керак. Бу қарор тасдиқлангандан кейин бирлашмада ишчиларнинг қувончини таърифлаш қийин бўлиб қолди. Эндиликда ҳар бир ишчи корхонада 10 йилдан кам ишламасликка ва бу имтиёздан фойдаланишга ҳаракат қиляпти. Фақатгина ўтган йили 39 пенсионерга 63 минг сўм ҳажмида пул ажратилди. 5 минг сўмгача ёрдам олганлар орасида корхонанинг тажрибали ишчилари Н. С. Олейник, М. Муҳаммаджонов. Л. И. Гришина ва Д. Тиркачевалар бор.

Фарзанд кўрган оналарнинг 29 нафари айни пайтда корхона ҳисобидан ҳар ойда 50 сўмдан таъминланиб турибдилар. Ёш оилаларга ғамхўрлик, уларнинг ўзини тиклаб олишга ёрдам бериш масаласи ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Фақатгина якунланган йилда 7 та ёш оилага 13,5 минг сўм ҳажмида процентсиз қарз берилди. Бундай имтиёздан фойдаланган оилалар олган қарзларини 10 йил давомида узишлари мумкин. Инсон омилига эътибор йилдан-йилга кучайиб бориши кузда тутиляпти. Фақатгина 1990 йилда юқоридаги имтиёзлардан ташқари ишлаб чиқаришда намуна кўрсатганларни рағбатлантиришга 36 минг сўм, мукофотларга 105,3 минг сўм, социалистик мусобақа ғолибларини рағбатлантиришга 38,5 минг сўм ажратиш кўзда тутилган.

Бирлашма ишчиларини уй-жой билан таъминлаш мақсадида шаҳар Совети ижроия комитетига 200 минг сўм ўтказилади. Санаторий ва курорт йўлланмаларига 30 минг сўмлик шартнома тузилди. Ҳамма иш участкаларида ишчилар учун бепул тушлик жорий қилинди. Бугун 240 кишилик ётоқхона, болалар боғчаси, дам олиш зонаси бирлашма ишчиларининг ихтиёрида. Бу ерда меҳнат отпускасига чиқаётган ишчи ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Дам олишга кетишдан олдин уларга 2, 3 ёки 4 ҳафталик маоши қўшимча равишда ажратиляпти. Бу ҳам ўз меҳнатининг самарасини кўриш эмасми?

Бирлашмада эндиликда ишчиларни озиқ-овқат, сабзавот ва мевалар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш бирламчи муҳим масала бўлиб қолди. Бу соҳада ҳам илк қадам ташланди. Бирлашма Бўка районида чорвачилик комплексини сотиб олди. Бунга 1 миллион 150 минг сўм пул сарфланди. Комплексда асосан қорамол боқилади. Айнан шу ердаги ёрдамчи хўжалик майдони 100 гектарни ташкил этади. 1990 йилда бу майдоннинг 50 гектарига пичан ва беда қолган ярмида боғдорчилик маҳсулотлари, сабзавот ва мевалар етиштириш мўлжалланяпти.

Ишчиларга кўрсатилаётган бундай эътибор ўз самарасини беряпти. Ҳозир корхонада ишлаб чиқариш планларини бажармаётган бирорта ҳам цех йўқ. Қани энди бу тажриба бошқа коллективларда ҳам жорий қилинса!

В. МАДИМАРОВА.

Олий ўқув юртларида

Янги ихтисослик

⊙ Давлатлар ўртасида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш шу куннинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Бу муҳим масалаларни ижобий ҳал этиш кўп жиҳатдан мутахассис кадрларга боғлиқдир. Шу сабабли ихтисослашган олий ўқув юртларида мазкур соҳанинг билимдон мутахассис кадрларини тайёрлашга эътибор кучайди.

Тошкент халқ хўжалиги институтида ҳам бу борада ибратли тадбирлар кўрилди. Шу ўқув йилидан бошлаб «Халқаро иқтисодий муносабатлар» янги ихтисослиги жорий этиладиган бўлди. Бунинг учун зарур илмий-методик тайёргарлик ишлари олиб борилиб, ўқув планлари тузилди.

Олий ўқув юртининг бир гуруҳ ўқитувчилари ўзаро тажриба алмашиш мақсадида Москва молия, халқаро муносабатлар институтларида бўлиб, янги ихтисосликни йўлга қўйишга доир тажрибаларни ўрганиб қайтдилар.

А. АЛИЕВ.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

ЁНДАШУВ ЭСКИЧА БЎЛМАСИН

ЎТГАН йилдан бошлаб бизнинг корхонамиз тўла хўжалик ҳисобига ўтиб ишлай бошлади. Дастлаб ундан умидимиз катта эди. Аммо бугунги кунда: «Сизларда хўжалик ҳисоби қандай кетаяпти?» деб сўраган кишиларга ҳеч иккиланмасдан: «Жуда қийин кечяпти», деймиз.

Хўжалик ҳисобининг афзалликларини инкор қилмоқчи эмасман. Бу илғор усулда меҳнат қилаётган ва ажойиб натижаларга эришаётган корхоналарни биламан. Аммо бизнинг заводимиз ҳақида бундай дейишга ҳали эрта..

Хўш, нега бундай бўляпти, деб сўрашингиз мумкин. Сабабини очиқ айта қолай: ўзимиз ишлаб топган фойдасининг 70 фоизини бюджетга ўтказишга мажбур бўляпмиз. Тармоқ министрлигидан шундай белгиланган.

Мана, қаранг. Йилига бир неча ўн миллион сўм фойда олаётган корхонамиз бюджетга унинг катта қисмини ўтказганидан кейин ўзимизнинг ишлаб чиқариш ва бошқа зарур эҳтиёжларимизга — қурилиш, моддий рағбатлантириш, ижтимоий-маданий сарф-харажатлар учун атиги бир неча миллион сўмга яқин маблағ қоляпти, холос.

Бутун йил мобайнида ҳалол, пешона тери тўкиб ишлаган ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимлар ўз фойдаларининг шунча қисмини бюджетга олиш инсофданми?

Биламан, менинг бу сўзларимни ўқиган баъзи мутахассислар: «Бу масалани нега тармоқ министрлиги олдига қўймадингиз?» дейишлари турган гап. Бу масалани бир неча марта қўйганмиз. Аммо ҳозирча муаммо бору ечим эса йўқ.

Шу ўринда умуман корхоналарнинг бюджетга фойдасининг ҳар хил қисмларини ўтказишлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Масалан, баъзи корхоналар фойдадан бюджетга фойданинг 11 фоизини ўтказиб, 70 фоизини ўзларига қолдирмоқдалар. Хўш, қани бу ерда иқтисодий адолат? Нега баъзи корхоналарда даромаднинг бунчалик кўп қисми, бошқаларида (бизга ўхшаш корхоналарда) эса оз қисми қолиши керак.

Кўриниб турибдики, тўла хўжалик ҳисобига ёндошувлар ҳар хил бўляпти. Аммо шунга қарамай коллективимиз қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Олег Шмидкин, Геннадий Путилин сингари тажрибали кишилар етакчилик қилаётган цехлар меҳнат унумдорлигини оширишга эришмоқдалар. Улар иқтисодий жиҳатдан илғор усул ҳисобланган тўла хўжалик ҳисобининг афзалликларини амалда намоён қилмоқдалар. Ишлаб чиқаришга эскича ёндашувлардан воз кечаётганликлари учун ҳам бугунги кунда бу цехларни бошқаларга намуна қилиб кўрсатсак арзийди.

В. БУЛГАКОВ,
Тошкент электрон-техника заводи директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари.

ПОЙТАХТНИНГ ЯШИЛ ЛИБОСИ

⊙ Тошкент шаҳар партия-хўжалик фаолларининг йиғилишида шаҳарни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалалари ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Тошкентни гуллаб яшнатиш, иқтисодий қудратини ошириш ва соцнал соҳага эътиборни янада кучайтиришнинг янги режалари белгилаб берилди.

Олимларнинг, меъморларнинг, кўкаламзорлаштириш мутахассисларининг айтишларича, буталар шаҳар қурилиш комплексининг энг муҳим қисмидир. Шундай экан, замонавий шаҳар бинолари ва иншоотлари орасида халқимизга қулай санитария-гигиена шароитини яратиш, ҳавонинг мусаффолигини сақлаш кўпроқ дарахт ва буталарнинг сонини кўпайтиришга боғлиқ. Усимликларнинг инсон учун фойдали хусусиятлари жуда кўп, улардан ажралиб чиққан фитонцидлар микробларни ўлдиради, атроф-муҳитнинг мусаффолигини, ҳавонинг тўйимлилигини таъминлайди. Шуларни ҳисобга олиб, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети кўкаламзорлаштириш, дов-дарахтни парвариш қилиш ишларига алоҳида аҳамият бераяпти.

Ҳозирги вақтда Тошкентнинг умумий яшил зонаси 11 минг гектарни ташкил этади. Бу маълумот 1987—1988 йиллари ихтисослашган ремонт-қурилиш ирригация ва кўкаламзорлаштириш трестига қарашли район бошқармалари томонидан олиб борилган текширишда аниқланган. Шу яшил зонада 4 миллион донадан ортиқ дарахт ва 10 миллион донадан зиёд буталар ўсаяпти. Район ижроия комитетлари қошидаги ободончилик бошқармалари буюртмаларга кўра ҳар йили 6,5 минг гектарда парваришлаш ишларини олиб бормоқдалар.

Ҳар йили анъанага айланиб қолган кўкаламзорлаштириш ойлигида Бош бошқармамизга қарашли корхоналар фаол иштирок этмоқдалар. Қолаверса, шаҳарда жойлашган турли министрликлар ва идораларнинг вакиллари, тошкентликлар ҳам бу ишга ўз ҳиссаларини қўшаяптилар. Шаҳарнинг кўкаламзорлаштирилиш даражасини аниқлаб, биз йилдан йилга кўчат экиш сонини кўпайтиришдан воз кечдик. 1986 йилга қадар шаҳарда йилига 3—3,5 миллион дона дарахт ва буталар экилар эди. Текширишдан сўнг, янги қурилаётган микрорайонлар, кўчалар, майдонлардан ташқари, шаҳримизнинг умуман кўкаламзорлаштирилганлиги аниқланди. Шу вазиятни ҳисобга олиб, кўчат экиш ишларини олиб бориш ҳар бир жой текшириб чиқилганидан сўнг йўлга қўйиладиган бўлди. Энди кўчат экиш плани тасдиқланганига қарамай, у вазиятга мувофиқ ўзгариши ҳам мумкин.

Кўкаламзорлаштиришда асосан манзарали дарахтлар кўчати: эман, чинор, япон софораси, оқ қайин, доимо яшил турувчи буталар ва албатта мевали дарахт кўчатларидан фойдаланилмоқда. Ободончилик Бош бошқармасига қарашли ташкилотлар 1989 йилда шаҳарда 426,5 минг дона ўрнига 725,3 минг дона дарахт ва буталар экди. Шунинг 83,5 минг-таси манзарали, 613,8 минг донаси буталардир. Буталарнинг кўпчилигини атир гул ва доимий яшил барглилар ташкил қилади. 1990 йилда 312,3 минг дона дарахт ва буталар экиш кўзда тутилган. Бунинг ичида 9,1 мингта манзарали, 3,2 мингта мевали дарахт кўчатлари, 300 минг дона буталар бор. Буталарнинг 200 минг донаси атир гул кўчатларидир.

Ободончилик Бош бошқармаси ишлаб чиққан «Маҳалла» комплекс тадбирларида ҳар бир районда боғ яратиш таклиф этилган. Шаҳар ижрокўми мазкур тадбирни қўллаб-қувватлади. Энди бу йил шаҳримизда экиладиган мевали дарахт



кўчатлари мўлжалдагидан анча кўп бўлади. Албатта бу ишларни амалга оширишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун база ҳам бўлиши керак. Кўчатларни боғдорчилик совхози етказиб беради. Мевали дарахт кўчатларини таъминлаш эса хўжалик ҳисобидаги «Тошкент гуллари» фирмасига топширилган. Фирма бу кўчатларни Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларидаги Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли хўжаликлардан олиб келади. Олиб келинган кўчатлар фақат кўкаламзорлаштириш ташкилотларигагина эмас, савдо тармоқлари ва кўчма дўконлар ёрдамида маҳалла ва микрорайонларда яшовчиларга ҳам сотилади. Шу йўл билан 1989 йилнинг кузида 200 мингдан ортиқ мевали дарахт кўчатлари аҳолига сотилди.

Кўкаламзорлаштириш бу фақатгина кўчат ўтқазиш ёки экиш дегани эмас, балки экилган экинларнинг ўсишини таъминлаш ва доимий парваришлаш ҳамдир. Шу мақсад учун 1987 йилда 2,9 миллион сўм, 1988 йилда 5,3 миллион сўм, 1989 йилда эса 6,3 миллион сўм ажратилди. Ваҳоланки, парвариш ишларининг ўзига 22,5 миллион сўмлик маблағ ва ишчи кучи зарур.

Кўкаламзорлаштиришдаги асосий омиллардан бири ниҳолларни ўз вақтида суғоришдир. Усимликларни сув билан таъминлашда 3020 километрли суғориш шохобчалари, 82 та насос станцияси, 31 та ер ости сувларини кўтариб берадиган мосламалардан фойдаланилмоқда. Суғоришда ишлатиладиган сувларни истеъмолчиларга 105,3 километрга тенг бўлган 52 канал етказиб беради. Ҳозирги вақтда ирригация шохобчаларидан 30 фоизи тўла сув билан таъминланган, 20 фоизи эса сув билан вақти-вақтида таъминланади. Шаҳардаги жамики суғориш тармоқларини сув билан таъминлаш айрим сабабларга кўра қийин ва мураккаблигича қолмоқда. Суғориш системасининг мукаммал эмаслиги, техникавий ҳолати носозлиги, трестимизнинг махсус бошқармаларини таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажарилмаслиги туфайли шундай бўлмоқда.

Устига-устак, қўлимиздаги машина ва механизмлар етишмайди. Шунинг учун ҳам у пойтахтнинг хўжалигини қониқтирмайди. Имконият ва резервларимиздан тўла фойдалана олмаётганимизнинг боиси ҳам шунда. Меҳнат ва технология интизомини керакли даражага кўтара олмаяпмиз, жойларни мутахассис ва ишчилар билан таъминлаш ишлари ҳам сустлигича қолмоқда. Ўзимиз йўл қўйилган камчиликларга энди муросасиз бўлишимиз ва буларни бартараф этиш устида тинмай ишлашимиз зарур. Ана шундагина шаҳримиз яшил либосга бурканади.

О. РАҲИМОВ,
Тошкент шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси ходими.

Шарҳчи сатрлари

«ҚУЗҒУНЛАР» МОЖАРОСИНИНГ БОИСИ НИМАДА?

«Искандар Зулқарнайн — қаҳрамонликка қаҳрамон-а, лекин стулларни синдириш шартмн? Н. В. Гоголь ўлмас асаридаги машҳур персонажнинг бу саволини Исроилдаги ўнг партиялар «Ликуд блоки» марказий комитети мажлиси қатнашчиларига бериш ўринли бўлур эди, бу мажлис 1986 йили Тель-Авивда бўлган эди. Ўша кезда Исроилдаги ўнг кучлар маданиятли жамиятда қабул қилинган барча таомилардан юз ўгириб, қўлларига тушиб қолган мебелни ишга солишди. Шундай қилиб, уларнинг ўз далил-исботларининг мағзини нечоғлик тўқлигини ҳам, айни вақтда мухолифлар бош суянгинг нечоғлик мустаҳкамлигини ҳам синаб кўришмоқчи бўлишди. Яна эҳтиросларнинг жўш уриб кетиб, шунга ўхшаш воқеа содир бўлди, бу гал «Ликуд»нинг марказий комитети блок раҳбари Исҳақ Шамирга ишончсизлик билдириш ёки билдирмаслик масаласини муҳокама қилишга тўпланган эди, маълумки Шамир мамлакатнинг бош министридир.

Шамир Исроил босиб олган территорияларда сайлов муаммоси хусусида фаластинликлар эҳтимол тутилган музокаралар хусусида гап очганидан кейин, ишончи тўғрисидаги масалани овозга қўймоқчи бўлди. Аммо Шамир ўзини қўллаб-қувватлаб кўтарилган қўлларини санаб улгурмасиданоқ, бош министрнинг асосий сиёсий мухолифи бўлган савдо ва саноат министри Ариел Шарон фаластинликлар қўзғолонини куч билан бостириш хусусидаги ўз йўлини айни шу вақтда овозга қўйишни таклиф қилиб қолди ва оқибатда мажлис охирига етмади.

1986 йилдаги ҳамманинг эсида қолган ур-тўполондан кейин эҳтиёткорлик қилишиб, залдаги стулларни узун ўриндиқлар билан алмаштирган эди. Шунинг учун ҳам бу гал тўс-тўполон чиқмади ва мебелга ҳам шикаст етмади. Икки мухолиф лагерь ўз ғалабасини байрам қилиб, залда ғала-ғовур кўтарилгани туфайли сиёсий кузатувчилар Шамирга узил-кесил ишонч билдирганлигига бир қадар шубҳа билан қарамоқдалар. Ана шу шубҳалар бир қадар «бостн-бости» бўлганидан кейин ҳафсаласи пир бўлган Арик (Шаронни Исроилда шундай деб ҳам аташади) истеъфога чиқишини эълон қилди ҳамда Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи ва Ғазо минтақаси устидан Исроил назоратини абадийлаштириш учун курашаман, деди.

Энди бир ўринли савол берсак бўлади: Шаронга ва унинг тарафдорларига бош министр нутқидаги қайси гаплар ёқмади ва «Ликуд»даги «Қузғунлар» нега энди Шамирга ҳамла қилиб қолишди. Ахир Шамир Шамирда, уни Исроилнинг «кабутарлари» қаторига қўшиб бўлмайди-ку!

Бунинг боиси шунда эканки, бош министр меҳнат партиясига кирган коалиция ҳукуматини сақлаб қолиш мақсадида ана шу партияга ён босган ва Исроил — Фаластин музокараларида ўз вақтида босиб олинган территориялардан кўчириб юборилган фаластинликларнинг иштироки имкониятига йўл қўйган экан. Аммо Фаластин араблари билан ҳар қандай музокаралар ўтказишга илгаригидек ҳозир ҳам қаршн турган Шароннинг сиёсий жиҳатдан сира ён босмаётганлигини кўпчилик унинг шуҳратпарастлиги қондирилмаганн билан шарҳлашга мойилдир. Шарон «Ликуд» блоки раҳбари лавозимини эгалламоқчиман, пировардида эса ҳукумат бошлиги бўлмоқчиман, деб эълон қилди. Ҳар қалай, эҳтиросларнинг босилаётгани йўқ ва Шароннинг баёнотларига қараб хулоса чиқарадиган бўлсак, у Шамир билан обдон олишмоқчи.


«Ликуд» ичидаги можароларга алоҳида эътибор бермаса ҳам бўлар эди, аммо бу ихтилофлар босиб олинган территорияларда уч йилдан бери давом этаётган фаластинлар қўзғолони сабабли ҳозир Исроил жамиятида таркиб топган кескин вазиятни акс эттиради-да. Айни вақтда Интефада Исроил қуролли кучларидаги маънавий вазиятга жуда кучли таъсир ўтказмоқда.

Нуфузли «Гаварец» газетаси армия командирларининг исроиллик резервдаги аскарлар билан ғайри инсоний муомалада бўлаётгани хусусида хиқоя қилиб берди. Ўша резервдаги аскарлар маҳаллий қонунларга кўра ҳар йили маълум муддат хизмат ўташга чақирилади. Фақат сўнгги ярим йил ичидагина 30 га яқин аскар ўз жонига қасд қилди, чунки армия муҳитидаги шафқатсизлик ва зўравонлик бу йигитларни жонидан тўйдирган эди. Бундай воқеалар шу қадар кўпайиб кетдики, армиядаги танглик тўғрисидаги масала кўндаланг бўлиб қолди.

Мамлакатга тобора кўп муҳожирлар келаётгани ҳам Исроилнинг ва бутун Яқин Шарқ регионининг сиёсий ҳаётида муайян беқарорликни вужудга келтирмоқда, Исроилнинг айрим раҳбарлари бундан ўз сиёсий манфаатлари йўлида фойдаланишлари ҳам мумкин. Чунончи, бош министр Шамир бу ҳолни «Буюк Исроил»ни бунёд этиш тўғрисидаги ғояни мустаҳкамлаш учун айни муддао деб билди. Ўтган йилнинг охирида «Ликуд» ветеранлари ҳузурида нутқ сўзлаб, у қуйидагиларни айтди: «Буюк Исроил»га Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо минтақаси қўшилганидан кейин бу замин дарёи азимдек оқиб келаётган муҳожирларни жойлаштириш учун сув билан ҳаводек зарур бўлади. Маълумки, бу фикр Яқин Шарқ муаммосини бартараф этиш умумий жараёнида жиддий чигалликларга олиб келди, чунончи, араблар дунёси қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Яқин Шарқ, шу жумладан, Исроил халқлари ҳам узоқ вақтдан бери давом этаётган Араб — Исроил можаросидан чарчадилар. Бу можаро 40 йилдан кўпроқ вақтдан бери жаҳонни беҳаловат қилиб турибди. Фаластин Озодлик Ташкилоти реализм йўлига ўтиб, ўз олдига қўйилган барча шартларни бажарган бир вақтда, Исроил раҳбариятидан тўс-тўполон чиқарилиб, шов-шувга сабаб бўладиган мажлислар эмас, балки муаммога фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини ҳисобга олиб, вазминлик билан ёндашув зарур.

Виктор ЛИСЕЧКО.
(ТАСС).



Тезкор поездлар темир йўл транспортининг яқин келажагидир. Ҳозир Францияда ана шундай икки линия муваффақиятли эксплуатация қилинмоқда, улар ҳатто ҳаво транспорти билан рақобатлашмоқда. Тезкор поездлар қатнайдиган Париж ва Лион оралиғидаги дастлабки линия 1981 йилнинг сентябрида очилган бўлиб, ўшандаёқ президент Ф. Миттеран атлантик трассани бунёд этиш ғоясини илгари сурган эди. Саноқли йил мобайнида тезкор поездлар билан 100 миллиондан зиёд йўловчи ташилди, шундай қилиб жанубий-шарқий линия қурилишига сарфланган харажатлар тўла қопланди.

1989 йилнинг сентябрь ойида тезкор поездлар қатнайдиган янги атлантик трассанинг биринчи участкаси очилди.

СУРАТДА: сўнгги модификациядаги тезкор поезд.

АФП — ТАСС сурати.

Уч йилдан бери давом этаётган жанжал

А. Навоий номидаги Давлат академик катта театри раҳбарияти билан, яъни бош дирижёр Д. Абдураҳмонова ва бош режиссёр Ф. Сафаров билан опера яккахон хонандалари ва хор артистлари ўртасида вужудга келган зиддият билан шуғулланишга мажбур бўлган юқори ташкилотларнинг кўп сонли текширишлари афсуски вазиятни ойдинлаштириш имконини бермади. Вазият вужудга келиши биланоқ ечилиши мумкин эди, ечиш ҳам керак эди. Зеро, гап раҳбарларнинг касб фазилатлари хусусида эмас, балки маъмурий-буйруқбозлик усулидаги раҳбарлик муҳити хусусида борар, бош дирижёр ва бош режиссёр ана шу муҳитни вужудга келтиришда айбланар эди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, зиддиятни муроса йўли билан ҳал этиш мумкин бўлмай қолди, вақт бой берилган эди. Шунинг учун 21 ва 23 февраль кунлари бўлиб ўтган операнинг яккахон хонандалари ва хор артистларининг йиғилишида Д. Абдураҳмонова ва Ф. Сафарова ишончсизлик билдириш ҳақида қарор чиқарилди. Ҳозир бўлган 85 нафар опера яккахон хонандалари, хор артистлари, дирижёрлар ва концертмейстерлардан 72 киши Д. Абдураҳмоновага қарши, 74 киши Ф. Сафаровга қарши овоз берди. Овоз бериш якунларини Маданият министрлигига, Театр арбоблари уюшмасига, Ўзбекистон ССР Композиторлар уюшмасига, касаба уюшмаси область комитетига ва матбуотга етказишга қарор қилинди. Юқори идоралар коллектив талабини қондирмаган тақдирда опера ва хор цехларининг... иш ташлаши ҳақидаги қарор кучга кирарди.

Бундай драматик ечимга олиб келган тўқнашувнинг сабаби нима? Ижодий имкониятлари қадрдон театр саҳнасида ўз йўлини топлмаётган айрим артистларнинг шахсий гина-кудуратими ёки театрни шу аҳволга олиб келган ҳозирги вазиятни ўзгартириш истагими? Ҳозир опера спектакларига билетларнинг талайгина қисми сотилмай кассада қолиб кетаяпти.

Йиғилишда сўзга чиққанларга тан бериш керак, улардан биронтаси ҳам ўз тақдиридан шикоят қилгани йўқ. Гап фақат театр ҳақида, унинг ҳозирги куни ва келажаги ҳақида борди.

Театр дирижёри Ўзбекистон ССР халқ артисти, Тошкент давлат консерваториясининг профессори А. А. Абдуқаюмов сўзидан: «Театр яккаҳокимлик муҳитида яшай олмайди. Масалан, опера цехи қўпдан бери «Хива ордени» операсини долзарблигини йўқотганлиги учун репертуардан олиб ташлашни таклиф қилаяпти. Аммо коллективнинг фикри театр раҳбарияти вужудга келтирган метиндек мустаҳкам яккаҳокимликка урилиб, чилпарчин бўлаяпти.

Шуни таъкидламоқчиманки, ана шу операни театримиз операси яккахон хонандаларининг аксариятигина эмас, театр танқидчилари ва санъатшунослар ҳам қаттиқ салбий баҳолашди. Бундан ташқари, опера саҳналаштирилганидан бери унга бироита ҳам билет сотилгани йўқ. Ф. Сафаров саҳналаштирган, 1988 йил Минскда I-фестивалда қўйилган яна бир «Оловли фариштa» операси ҳам худди шундай баҳо олди».

— «Уят,—деди ўз сўзида профессор, Ўзбекистон ССР халқ артисти З. В. Ҳақназаров, — энг муҳими — миллийлик руҳини мутлақо йўқотган «Майсаранинг иши» операсининг ҳозирги постановкасида куйлаш айниқса уят. Чунки ҳар қандай сохта халқчиллик — турган битгани ёлғон, томошабин буни ҳис қилади, энг аввало у дирижёр ва режиссёр билан томошабин ўртасидаги боғловчи, етказувчи бўғин бўлмиш артистларга ишонмай қўяди. Чала тўлган залдан томошабинларнинг чиқиб кетаётганини ҳам артист кўради. Бу артистнинг ҳам маънавий, ҳам ижодий ўлими билан тенг».

«Театримиз саҳнасида ёш, истеъдодли хонандаларнинг узоқ вақт ушланиб қолмаётганлигига ҳам сабаб шу бўлса керак, — деб қўллаб-қувватлайди З. В. Ҳақназаровни операнинг яккахон хонандаси Т. Баҳромов. — Тошкент театрининг собиқ яккахон хонандалари Олмаота, Красноярск, Киров, Москва, ҳатто Париж саҳналаридан зўр маҳорат билан ўз истеъдодларини намойиш этишаяпти. З. Муҳамедов қадрдон театрини тарк этаяпти, Ш. Ғафуровни Самарқанд опера театрига чақиришяпти. А. Абдуқодиров театрда сўнгги мавсум куйламоқда. Шундан сўнг уни Душанбеда ва Ленинград кичик театрида кутишяпти, бу ерда у илгари ҳам ишлаган. Репертуарда кам ўрин берилганлиги учун яқингача «олтин баритон» деб аталиган Раим Жуматовни театр учун йўқотилди деса бўлади».

«Кўпчилигимизга операнинг ёш яккахон хонандаларига постановкалардаги етакчи партиялар учун маошни оширишни ваъда қилишаяпти (ваҳоланки бу билан бадиий кенгашгина шуғулланиши мумкин). Шундай қилиб, бизни Ф. Сафаров ва Д. Абдураҳмоновнинг раҳбарлик усулларидан норози бўлганларга қарама-қарши қўймоқчи бўлишади, — деб қизишади Х. Абдуқодиров. — Аммо биз театрда фақат пул учун ишлаётганимиз йўқ. Мен ҳам, бошқа ёш хонандалар ҳам тўйларда тез ва бундан ҳам кўп пул топишимиз мумкин. Аммо бизни шунинг учун нинг сўзи билан айтганда, буларнинг ҳаммаси ўтмишда қолган.

«Театрнинг кекса артистлари театр учун кадрлар билан боғлиқ ҳеч қандай муаммолар бўлмаган даврларни яхши эслашади. Биз театр ва рассомлик институтининг вокал бўлими, консерватория, музика билим юрти билан яқин алоқа ўрнатган эдик, — дейди Т. Баҳромов. — Ана шу ерларда қобилиятли ёшлар

«Театримизнинг миллий руҳи қаерга ва нима учун ғойиб бўлганлигини билишни истар эдим, — деди Ҳамза номидаги санъатшунослик институти номидан йиғилишда ҳозир бўлган Т. Н. Йўлдошбоева. — Қачонлардир опера санъатининг сон-саноқсиз ҳаваскорларини жалб этган, ўзбек музика маданиятининг хазинасига киритилган «Бўрон», «Гулсара», «Дилором» опералари ана шу маданиятнинг тарихи бўлиб қолган. Узоқов томонидан 1981 йилда қўйилган ва катта муваффақият билан ўтган «Лайли ва Мажнун» репертуардан олиб ташланди. Узоқов эса операларни саҳналаштиришдан четлаштирилди. Нима учун А. А. Абдуқаюмовнинг операларга дирижёрлик қилишдан четлаштирилгани ҳам тушунарли эмас (унга айрим балет постановкалари топширилган). Ваҳоланки, у Иттифоқимизда бўлмаса, Ўрта Осиёдаги энг яхши опера дирижёрларидан бири ҳисобланади».

Сўзга чиқувчилар икки ярим соат мобайнида микрофон олдида бир-бирларини алмаштириб туришди. Албатта, ушбу мақолада айтилган гапларнинг ҳаммаси ҳам баён этилган эмас, аммо мен асосий муаммоларни қамраб олишга ҳаракат қилдим. Афсуски, бирорта ҳам одам бош мутахассисларни ҳимоя қилиб бир оғиз ҳам сўз айтгани йўқ.

И. ГРИБОВА.

ХОТИМА: мақола босишга тайёрланганида республика Маданият министрлигининг кенгайтирилган коллегияси бўлди. Унда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Умарбеков, партия органларининг, Композиторлар, Театр арбоблари уюшмаларининг, Ўзбекистон музика жамиятининг вакиллари иштирок этдилар.

Коллегия Д. Абдураҳмоновани ва Ф. Сафаровни вазифаларидан озод қилишга қарор қилди. Театр директори Қ. Муҳиддиновнинг масаласи театрнинг меҳнат коллективи йиғилишида кўриб чиқилади.

Советлар мамлакатида

⊙ **КАЛИНИНГРАД.** «Калининградрибпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Италиядаги Фриули—Венеция—Жулиа вилояти уюшмаси қўшма корхона тузиш ҳақидаги битимни имзоладилар. Марказий Италиянинг Удине шаҳрида бўлган «Адри—Балтик» янги фирмаси океан балиғидан озиқ-овқат маҳсулотлари ва аралаш оқсилли ем тайёрлаш учун илгор технологияни ишлаб чиқади ҳамда жорий этади.

⊙ **УСТЬ-КАМЕНОГОРСК.** «Алтайсвинецстрой» трести марказий бинокорлик лабораторияси мутахассислари ташлиф этган ғишт пиширишнинг янгича усули туфайли ғиштнинг таннархи 1 тийиндан ҳам арзонга тушади. Ғишт қўшимча қоришмаларсиз, оддий сог тупроқдан тайёрланади. Бундай ғиштни қуйиш учун фақат қолип ва кучли бостирма керак. Фақат кучли босим сог тупроқни метинден мустаҳкам қилади — ғиштлар теп-текис ва чиройли бўлиб чиқади. Соатига 900 дона ғишт ишлаб чиқарилади.


⊙ **КИШИНЕВ.** «Молдлегпром» маҳаллий уюшмаси модалар марказида ажойиб бир томоша кўрсатилди. Унда ёшлар кунда киядиган ва ишхонага либосларнинг янги намуналари намойиш этилди. Бу томошани Молдавия ва Белоруссия чеварлари уюштирдилар. Томошабинлар икки жумҳурият нинг энг яхши мутахассислари ишлари билангина танишиб қолмай, айни вақтда томошадан сўнг ўтказилган ким ошди савдосида ўзларига ёққан ийимларни харид қилиш имкониятига ҳам эга бўлдилар. Кейинги гал хушбичим ийимлар Минск шаҳрида биргаликда намойиш этилади.

(ТАСС мухбирлари хабарларидан).



⊙ УКРАИНА ССР. Николаев қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг тиниб-тинчимас изланувчилари кулолчилик ҳунарининг қадимги халқ анъаналарини тиклашга азму-қарор қилдилар. Ғишт заводида мўъжазгина сирланган идишлар участкаси очилди. Унга ҳамфикрларни бирлаштира олган В. В. Медведев раҳбарлик қилмоқда. Бугунги кунда Николаев кулолларининг сопол буюмлари дўконларнинг пештахталарида чанг босиб қолаётгани йўқ. Бутуниттифоқ ва республика кўргазмаларида намойиш этилмоқда. 20 хил гулдонлар, кўзалар, идишлар ишлаб чиқарилмоқда.

СУРАТДА: участка бошлиғи В. В. Медведев ўзининг навбатдаги ижодини ниҳоясига етказмоқда.



⊙ ТОЖИКИСТОН ССР. Ҳисор воҳасида зилзиладан вайрон бўлган қишлоқларни тиклаш ишлари давом этмоқда. Табиий офат рўй берган ерда бир йўла бешта шаҳарча тикланмоқда. Уй-жойлар билан бир қаторда ижтимоий-маданий-маиший объектлар ҳам қад кўтармоқда. Тожикистон матлубот уюшмасининг кучи билан офат районида 12 та дўкон, иккита ошхона, иккита нонвойхона қурилди.

Бир йил муқаддам сиз кўриб турган бу қизнинг сурати кўпгина нашрларда чоп этилди. У дунёга келгани заҳоти, исми қўйилмай туриб, етим бўлиб қолганди. Ҳисорга қизалоқни асраб олиш истаги билдирилган телеграммалар бутун мамлакатимиздан кела бошлади. Аммо у Тожикистонда, қариндошларинникида қолди. Унга туғилган қишлоғидан хотира сифатида Шарора деб исм қўйишди. Бу исм тожикча «Учқун» деган маънони англатади. Бунинг рамзий маъноси бор: оғир табиий офатлардан кейин ҳам ҳаёт учқуни асло сўнмасин.

А. Кремко ва С. Жуков (ТАСС) суратлари.

Атамалар бўлими

ДАВЛАТ ТИЛИДА

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан ўзбек тилидаги атамалар бўлинмалари ташкил этилганлиги маълум. Ҳозирги пайтда автомобиль транспортига оид атамаларни ҳам ўзбек тилига ўгириш устида жиддий иш олиб борилмоқда.

«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тарғибот бўлими ходимлари бу борада ташаббускорлик кўрсатиб, ҳозиргача муайян ишларни амалга оширдилар. Автомобиль транспорти ходимларининг ишларига доир «Улкан йўл босқичлари», «Рационализаторнинг сири», «Ғолибларни табриклаймиз», «Ижаранинг иқтисодий таянчи», «Авторемонтчилар резерви», «Олмалиқча вариант» каби 8 та плакат ўзбек тилида босиб чиқарилди. Шу соҳанинг ишларига оид кўпгина рисолалар ўзбек тилида чоп этилди. Булардан ташқари «Автобуслар, маршрутли ва енгил таксомоторларнинг ташқи ва ички томонини безаш ва жиҳозлаш бўйича қўлланма» яқинда ўзбек тилида чоп этилади.

Ҳозирги пайтда «Автобусларда ва маршрутли таксомоторларни йўлкира ҳақи учун ишлатиладиган билетлар билан таъминлаш, уларни сақлаш, тарқатиш ва ҳисобга олиш тартиби, юк ва йўловчилар ташишдан тушадиган маблағни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек, билет кассаси мавжуд бўлган машиналарда ишлар тартиби ҳақида»ги қўлланма, шунингдек, «Автовокзал» (автостанция)нинг намунали технологик иш жараёни» ҳақидаги қўлланма ва бошқа илмий-ишлаб чиқаришга доир мажмуалар чоп этишга тайёрлаб қўйилди.

Ҳозирча умуман автомобиль транспортига оид атамалар йўқ эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти томонидан нашр этилган 2 томлик русча-ўзбекча луғатдан фойдаланилган ҳолда «Автомобиль транспорти ходимлари учун қисқача русча-ўзбекча луғат», «Автомобиль транспортига доир қисқача русча-ўзбекча луғат» нашр этишга ҳозирлаб қўйилди.

«Советская энциклопедия» нашриёти томонидан 1980 йилда чоп этилган «Политехника луғати»нинг иккинчи нашри асосида тузилган, ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинган қомусий характердаги политехника луғатида эса техниканинг турли соҳаларига, шунингдек табиий фанлар — математика, физика, химия ва бошқаларга доир қизиқарли маълумотлар, жараён, механизм, аппарат, материалларнинг вазифаси ва уларнинг қўлланиш усуллари қисқача баёни берилган. «Политехника луғати»дан автомобиль транспортига доир тушунча ва атамалар ўзбек тилига таржима қилинди. Мазкур луғатлар яқин вақт ичида мухлислар қўлига тегади.

Булардан ташқари тарғибот бўлимига махсус таржимонлар ишга қабул қилинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги томонидан ўтказилаётган коллегия йиғилишларининг барча материалларини ва министрлик томонидан чиқарилган буйруқлар ҳам ўзбек тилига ўгирилмоқда. Қизиғи шундаки, министрлик номига тушаётган ўзбек тилидаги ариза ва шикоятлар ушбу тарғибот бўлими ходимлари томонидан рус тилига таржима қилиниб берилмоқда.

А. АЛИМОВ,
Ғ. МАҲМУДОВ.

Санъат—қайта қуриш кўзгусида

АДОЛАТ ТАНТАНАСИГА ИШОНЧ

Ўзбек ҳужжатли кино яратувчилари қрим татарлар ҳақида суратга олган биринчи фильм умид руҳи билан йўғрилган.

Қрим татарларнинг миллий масаласини ҳал этишни ҳадеб пайсалга солавериш оқибатида фиғони ошган одамлар Боғчасарой районидаги «Россия» колхози ерларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олдилар. Жаҳли чиқиб кетган йигитлар ерга қозиқ қоқишди, тинка-мадори қуриган аёллар эса рўзғор қақир-қуқурларини йиғишди, уюлиб ётган буюмлар атрофида болалар жимгина ўйнашади. Милиционерлар ўраб олган колхоз раиси эса «кўчиб келганлар»га нималарнидир тушунтирмоқчи бўляпти... «Ифтира» ҳужжатли лентаси ана шу ғам-ғуссали воқеа билан бошланади, Тошкентдаги киночилар уйида шу фильм илк бор кўрсатилди.

Асар муаллифларидан режиссёр Ботир Боишев ва сценарийчи Ризо Исаев ушбу фильмни экранга олиб чиққунларича роппа-роса 20 йил ўтди. Улар талабалик йилларидаёқ ўз она юртидан бадарға қилинган халқнинг қисмати ҳақида кино асари яратишни орзу қилишарди. Она-Ватанидан ҳайдалган ҳар бир оила ҳақида китоб ёзиш мумкин, деб ўйлашарди. Муаллифлардан бири — Ризо Исаевнинг оиласи ҳам она юртидан сургун қилинган эди, шу боисдан у ана шундай одамларнинг қисматини яхши билади. Лекин бу мавзу тақиқлаб қўйилган эди. Бутун-бутун халқларнинг бошига кулфат солган сталинча қатағон партиямизнинг XX съездида қораланди, лекин турғунлик йилларида бу ҳақда ломлим дейилмади. Миллий масалада ҳал бўлмаган муаммо қолмади, қабилида иш тутилди.

Ботир медицина институтининг талабаси, Ризо эса педагогика институтида очилган қрим татар филологияси бўлимининг қалдирғоч студентларидан эди, ўша кезлар улар Тошкентдаги бир хонадонда ижарада туришар эди. Бўлажак фильм уларнинг фикр-ҳаёлини чулғаб олган эди. Улар машҳур режиссёрлар ва сценарийчиларга мурожаат қилиб, биргаликда шу фильмни яратишни таклиф қилишди. Лекин ўша атоқли санъаткорлар фильм мавзуи қулоқларига чалиниши билан ўқитишганми?

Биз театримиз эл оғзига тушишини, спектаклга тушмоқчи бўлганлар навбат кутиб туришини истаймиз. Аммо бунинг учун хонанда ни орадан бир йил ўтмай касбга яроқсиз деб рўйхатдан ўчириш эмас, улар билан ишлаш керак».

Шу ерда қисқа изоҳ бериш керак деб ҳисоблайман. Ҳар бир хонанда, айниқса ёш хонанда учун ижодий ўсиш плани керак. Масалан, тенорга саҳнадаги хизматининг дастлабки кунлариданоқ мураккаб партиялар юклаб қўйилса («Риголетто», «Севиля сартароши»ни четлаб дарҳол «Отелло»га ўтилса), у овозини йўқотиб қўйиши мумкин. Агарда илгари — Иноғомов, Карпов, Ашрафий вақтида ҳар бир хонанда билан унинг овозинигина эмас, актёрлик жиҳатларини ҳам ҳисобга олиб алоҳида-алоҳида қунт билан иш олиб борилган бўлса, опера спектаклини тайёрлашда режиссёр саҳна қатнашчиларининг овоз хусусиятларинигина эмас, уларнинг психологик бир-бирига мослигини ҳам ҳисобга олган бўлса, эндиликда артистларнинг сўзи билан айтганда, буларнинг ҳаммаси ўтмишда қолган.

«Театримизнинг миллий руҳи қаерга ва нима учун ғойиб бўлганлигини билишни истар эдим, — деди Ҳамза номидаги санъатшунослик институти номидан йиғилишда ҳозир бўлган Т. Н. Йўлдошбоева. — Қачонлардир опера санъатининг сон-саноқсиз ҳаваскорларини жалб этган, ўзбек музика маданиятининг хазинасига киритилган «Бўрон», «Гулсара», «Дилором» опералари ана шу маданиятнинг тарихи бўлиб қолган. Узоқов томонидан 1981 йилда қўйилган ва катта муваффақият билан ўтган «Лайли ва Мажнун» репертуардан олиб ташланди. Узоқов эса операларни саҳналаштиришдан четлаштирилди. Нима учун А. А. Абдуқаюмовнинг операларга дирижёрлик қилишдан четлаштирилгани ҳам тушунарли эмас (унга айрим балет постановкалари топширилган). Ваҳоланки, у Иттифоқимизда бўлмаса, Ўрта Осиёдаги энг яхши опера дирижёрларидан бири ҳисобланади».

Сўзга чиқувчилар икки ярим соат мобайнида микрофон олдида бир-бирларини алмаштириб туришди. Албатта, ушбу мақолада айтилган гапларнинг ҳаммаси ҳам баён этилган эмас, аммо мен асосий муаммоларни қамраб олишга ҳаракат қилдим. Афсуски, бирорта ҳам одам бош мутахассисларни ҳимоя қилиб бир оғиз ҳам сўз айтгани йўқ.

И. ГРИБОВА.

ХОТИМА: мақола босишга тайёрланганида республика Маданият министрлигининг кенгайтирилган коллегияси бўлди. Унда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ў. Умарбеков, партия органларининг, Композиторлар, Театр арбоблари уюшмаларининг, Ўзбекистон музика жамиятининг вакиллари иштирок этдилар.

Коллегия Д. Абдураҳмоновани ва Ф. Сафаровни вазифаларидан озод қилишга қарор қилди. Театр директори Қ. Муҳиддиновнинг масаласи театрнинг меҳнат коллективи йиғилишида кўриб чиқилади.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати билан ўзбек тилидаги атамалар бўлинмалари ташкил этилганлиги маълум. Ҳозирги пайтда автомобиль транспортига оид атамаларни ҳам ўзбек тилига ўгириш устида жиддий иш олиб борилмоқда.

«Узавтотранстехника» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тарғибот бўлими ходимлари бу борада ташаббускорлик кўрсатиб, ҳозиргача муайян ишларни амалга оширдилар. Автомобиль транспорти ходимларининг ишларига доир «Улкан йўл босқичлари», «Рационализаторнинг сири», «Ғолибларни табриклаймиз», «Ижаранинг иқтисодий таянчи», «Авторемонтчилар резерви», «Олмалиқча вариант» каби 8 та плакат ўзбек тилида босиб чиқарилди. Шу соҳанинг ишларига оид кўпгина рисолалар ўзбек тилида чоп этилди. Булардан ташқари «Автобуслар, маршрутли ва енгил таксомоторларнинг ташқи ва ички томонини безаш ва жиҳозлаш бўйича қўлланма» яқинда ўзбек тилида чоп этилади.

Ҳозирги пайтда «Автобусларда ва маршрутли таксомоторларни йўлкира ҳақи учун ишлатиладиган билетлар билан таъминлаш, уларни сақлаш, тарқатиш ва ҳисобга олиш тартиби, юк ва йўловчилар ташишдан тушадиган маблағни ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек, билет кассаси мавжуд бўлган машиналарда ишлар тартиби ҳақида»ги қўлланма, шунингдек, «Автовокзал» (автостанция)нинг намунали технологик иш жараёни» ҳақидаги қўлланма ва бошқа илмий-ишлаб чиқаришга доир мажмуалар чоп этишга тайёрлаб қўйилди.

Ҳозирча умуман автомобиль транспортига оид атамалар йўқ эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти томонидан нашр этилган 2 томлик русча-ўзбекча луғатдан фойдаланилган ҳолда «Автомобиль транспорти ходимлари учун қисқача русча-ўзбекча луғат», «Автомобиль транспортига доир қисқача русча-ўзбекча луғат» нашр этишга ҳозирлаб қўйилди.

«Советская энциклопедия» нашриёти томонидан 1980 йилда чоп этилган «Политехника луғати»нинг иккинчи нашри асосида тузилган, ўзбек тилида биринчи марта нашр қилинган қомусий характердаги политехника луғатида эса техниканинг турли соҳаларига, шунингдек табиий фанлар — математика, физика, химия ва бошқаларга доир қизиқарли маълумотлар, жараён, механизм, аппарат, материалларнинг вазифаси ва уларнинг қўлланиш усуллари қисқача баёни берилган. «Политехника луғати»дан автомобиль транспортига доир тушунча ва атамалар ўзбек тилига таржима қилинди. Мазкур луғатлар яқин вақт ичида мухлислар қўлига тегади.

Булардан ташқари тарғибот бўлимига махсус таржимонлар ишга қабул қилинган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги министрлиги томонидан ўтказилаётган коллегия йиғилишларининг барча материалларини ва министрлик томонидан чиқарилган буйруқлар ҳам ўзбек тилига ўгирилмоқда. Қизиғи шундаки, министрлик номига тушаётган ўзбек тилидаги ариза ва шикоятлар ушбу тарғибот бўлими ходимлари томонидан рус тилига таржима қилиниб берилмоқда.

А. АЛИМОВ,
Ғ. МАҲМУДОВ.

ҚАҲРАМОНЛАР ҚУЗУРИДА

Москва ҳарбий округининг бир қанча қисмларида муддатли хизматни ўтаётган ҳар уч солдат ва сержантнинг бири Ўзбекистонлигидир. Айрим бўлинмаларда эса ҳар икки аскарнинг бири Ўзбекистондан хизматга чақирилган. Уларга мураккаб техника, жанговар навбатчилик қилиш ишониб топширилган.

Ўзбекистонлик кўпгина йигитлар ҳарбий касбларни қандай ўрганишаётганини ўз ота-оналари ва ёру биродарларига ёзган мактубларида сўзлаб беришган. Сурхондарё областидаги юртдошлар — колхозчилар, ишчилар, партия ва комсомол ходимларини ана шу хатлар йўлга чорлади.

Округ снёсий бошқармаси ходимларининг фаол иштирокида тузилган учрашувлар программаси меҳмонларга манзур бўлди. Улар жангчилар билан суҳбатлашдилар, уларнинг турмуш билан танишдилар, жанговар ўқув қандай бораётганини ўз кўзлари билан кўрдилар, мароқли сафарлар ҳам бўлди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар эса юртдош жангчиларга она тилида 2 мингга яқин китоб, грампластинкалар совға қилишди. Шўрчи районидаги «Наврўз» бадиий ҳаваскорлик ансамбли бир неча концерт қўйиб берди.

1 март куни Округ офицерлар уйида бўлган мухбирлар билан суҳбат учрашув якунларига бағишланди. Делегация раҳбари Т. Менглиевнинг айтишича, ўзбек йигитлари ўз ҳарбий бурчларини шараф билан ўтамоқдалар, бунга меҳмонларнинг ишончи комил бўлди, бунинг учун округда ҳамма шароит яратилган. Айни вақтда ўзбек йигитларини хизматга тайёрлаш даражаси ҳақида ўйлаш керак. Чунончи, хизматга чақирилаётган йигитлар рус тилини дурустроқ билишса яхши бўлар эди. Ёшлар билан бундан буён ишлаш чоғида ана шу фикр-мулоҳазалар ҳисобга олинади.

С. ОСТАНИН,
ТАСС мухбири.



«ОНА ТАБИАТНИ СЕВИНГ, БОЛАЛАР!». Х. Мирзакаримов сурат лавҳаси.

БОЗОРЛАРДАГИ НАРХ-НАВО

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

⊙ **Эслатиб ўтамиз: шаҳримиздаги ҳамма йирик бозорлар эрта билан соат 8 дан кеч соат 19 гача ишлайди. Шанба ва якшанба кунлари ҳам савдо эрталаб бошланиб, кеч соат 18 гача давом этади.**

Тошкент шаҳри бозорларида сотиладиган маҳсулотларнинг 1990 йил 23 февралдан 2 мартгача бўлган бозор нархлари ҳақидаги маълумот.

(1 килограмм маҳсулотнинг нархи сўм ва тийин ҳисобида).

Маҳсулотларнинг номи	Бозорлар номи			
	ОЛОЙ	ОКТЯБРЬ	ҚОРАСУВ	ФАРҲОД
	БАҲОСИ			
ДУККАКЛИ МАҲСУЛОТЛАР				
Мош	2.50—3.00	2.00—2.50	2.50—2.80	2.50—3.00
Нўхат	3.00—4.00	3.00—3.50	3.00—3.50	—
Ловия	2.00—2.50	1.80—2.00	1.50—2.00	—
Гуруч	1.80—2.00	1.80—2.00	1.50—2.00	—
КЎКАТЛАР				
Укроп	3.00—4.00	3.00—3.50	3.00—3.50	3.00—4.00
Петрушка	3.00—4.00	3.00—3.50	3.00—3.50	3.00—4.00
Кашнич	3.00—4.00	3.00—3.50	3.00—3.50	3.00—4.00
Селдр	3.00—4.00	3.00—3.50	3.00—3.50	3.00—4.00
Шовул	3.00—4.00	3.00—3.50	3.00—3.50	3.00—4.00
Кўк пиёз	2.50—3.00	2.00—3.00	2.00—3.00	2.50—3.00
Эртаги саримсоқпиёз	2.50—3.00	2.00—3.00	2.00—3.00	2.50—3.00

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



АЭРОФЛОТ

Ташқи яқтисодий фаолият билан шуғулланаётган корхоналарнинг раҳбарларига

ҚУЙИДАГИЛАРНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

1990 ЙИЛ МАРТ ОЙИДАН БОШЛАБ

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармаси **қуйидаги йўналишлар бўйича мунтазам равишда**

ИЛ-76 ЮК САМОЛЕТЛАРИНИНГ

ЧАРТЕР РЕЙСЛАРИНИ

ТАШКИЛ ЭТАДИ

ТОШКЕНТ — ДЕҲЛИ—ТОШКЕНТ.

ТОШКЕНТ-РАО-АЛЬ-ХАЙМ (Бирлашган Араб амирлиги) — ТОШКЕНТ.

Рейслар ҳафтада икки марта амалга оширилади.

Ўзингизни қизиқтирган маълумотлар юзасидан қуйидаги телефон орқали мурожаат қилинг — 33-50-78.

Телекс 116169 ПОЛЕТ.

Телефакс 33-18-85.

«ЎСАРФИЛЬМ» МУАЛЛИФЛИК БИРЛАШМАСИ

АЗИЗ ДЎСТЛАР!

«ЎСАРФИЛЬМ» ОЛИЙ КИНО МАКТАБИ ҚУЙИДАГИ МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИНОРЕЖИССЕР, КИНОДРАМАТУРГ, КИНООПЕРАТОР, КИНОРАССОМ, КИНОБАСТАКОР, КИНОШУНОС, КИНОДЕКОРАЦИЯ РАССОМИ, КИНОСУРАТ РАССОМИ, КИЙИМЛАР КИНОРАССОМИ, КИНОПАРДОЗ РАССОМИ, КИНОФИЛЬМ ПРОДЮСЕРИ, КИНОВОЗ ОПЕРАТОРИ, КИНОҲИСОБЧИ ВА КИНОИҚТИСОДЧИ. ҲАР БИР МУТАХАССИСЛИК БЎЙИЧА ФАҚАТ БИР КИШИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КОНКУРС ТАЛАБЛАРИ:

Талабгорлар олий маълумотли (қайси мутахассислик бўйича олий маълумотга эгалигининг аҳамияти йўқ) ёки ўрта махсус маълумотга эга бўлишлари шарт.

Талабгорлар аввало инсонларга хос бўлган ноёб фазилатларга, қолаверса, мушоҳадакор қиёфага, юксак савияга, ўзларининг маънавий оламларига, ўзига хос фикрлаш қобилиятига эга бўлган истеъдодли кишилар бўлишлари лозим.

Талабгорлар ўзбек мактабини битирган ва ўзбек тилини мукаммал ўрганган бўлиб, инглиз тилини ҳам мукаммал билиши (ёки қисқа муддатда ўрганиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари) мажбурийдир.

Ўқишга ёши 25 дан ошмаган, ҳарбий хизматни ўтаб келган ўзбек йигитлари қабул қилинади. Ўқиш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади. Дарсларни ўтиш учун жумҳуриятимиз, қардош жумҳуриятлар ҳамда чет эл киноусталари таклиф этилади. Шунингдек мамлакатимиз ва чет мамлакатларнинг киноинститутлари, киномактаблари ва киностудияларида кўчма дарслар ташкил этилади.

«Ўсарфильм» Олий кино мактаби «Ўсарфильм» муаллифи Саид Ўсар Бекнинг кинорежиссура ихтисоси бўйича илмий ижодий изланишлар ва тажрибалар ўтказиш киноустаҳонасидир.

Талабаларга ойига 200 сўм миқдорида стипендия берилади. Бундан ташқари «Ўсарфильм» муаллифлик бирлашмасининг ижодий-ишлаб чиқариш ишларига ўз улушини қўшган талабаларга уларнинг қўшган ҳиссаларига ва лаёқатларига қараб ойлик мукофот пуллари бериб борилади.

«Ўсарфильм» Олий кино мактабининг талабалари ўқиш давомида иккита 45 минутлик қисқа ҳажмли бадиий ўқув фильмини ва 1,5 соатлик тўлиқ ҳажмли бадиий диплом фильмини суратга оладилар. «Ўсарфильм» олий кино мактабини битирган талабаларга эгаллаган мутахассисликлари бўйича диплом берилади ва улар «Ўсарфильм»га доимий ишга олиб қолинадилар.

Имтиҳонолди суҳбатларини ўтказиш ҳар ойнинг биринчи ҳафтасидаги шанба ва якшанба кунлари, яъни: 7—8 апрель, 5—6 май, 2—3 июнь, 30 июнь ва 1 июль, 4—5 август, 1—2 сентябрь кунлари соат 12 дан 19.00 гача бўлиб ўтади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 3 СЕНТЯБРДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ. Имтиҳонлар фақат мутахассислик бўйича бўлиб, дарслар ҳам фақат ихтисос бўйича ўтказилади.

Машғулотлар 1990 йилнинг 1 ОКТЯБРИДАН бошлаб ўзбек тилида олиб борилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ 2 ЙИЛ.

Ўзингиз билан (агар бўлса) ижодий материал, шеър, ҳикоя, қисса, сценарий, пьеса, роман, чизилган сурат, фотоматериаллар, ихтиролар лойиҳаси, кинофильмлар ёки ҳаваскорлик фильмлари, Сиз саҳналаштирган спектаклларнинг режиссёрлик партитуралари ва фотоматериаллари, афишалари, мутахассислик бўйича илмий-ижодий изланишлар ёки Сизнинг истеъдодингизни намоён қилиши мумкин бўлган бошқа асарларингизни суҳбатга ола келишингизни ёки почта орқали юборишингизни сўраймиз. 10 августгача ижодий асарларни «Ўсарфильм»га топширмаган ёки почта орқали юбормаган, шунингдек, имтиҳонолди суҳбатларидан ўтмаган талабгорлар имтиҳонларга қўйилмайди. Юборилган ижодий асарлар эгаларига қайтарилмайди.

Зарур ҳужжатлар: дипломнинг асл нусхаси (эгасига қайтарилади) ва нотариус орқали тасдиқланган кўчирмаси, саломатлиги ҳақида маълумотнома, меҳнат дафтарчаси, 2 дона 9×12 см, 2 дона 4×6 см, 2 дона 3×4 см. ҳажмли сурат, паспорт, ҳарбий ҳужжат.

«Ўсарфильм» Олий кино мактаби ўзининг бўлғуси иқтидорли талабаларини интиқлик билан кутади...

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи»: 700000, Инқилоб хиёбони (метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси (Техника уйи). Телефон 32-01-29.



ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ ИШИГА ТААЛЛУҚЛИ БАРЧА САВОЛЛАР ЮЗАСИДАН

Алоқа бўлимларига бўйсунувчи алоқа узелларининг раҳбарларига мурожаат қилишларингизни сўраймиз:

— **Киров, Куйбишев ноҳиялари** — Куйбишев алоқа узели (700052, Тошкент шаҳри, 52-алоқа бўлими, Новомосковская кўчаси, 31-уй).

Телефонлар: бошлиқ — 35-61-01; бошлиқ ўринбосари — 35-61-00; диспетчер — 35-53-32.

— **Фрунзе, Чилонзор, А. Икромов ноҳиялари** — Чилонзор алоқа узели (700115, Тошкент шаҳри, 115-алоқа бўлими, «Чилонзор» Марказий универсал магазини).

Телефонлар: бошлиқ — 77-72-80; бошлиқ ўринбосари — 77-25-58; диспетчер — 77-36-43.

— **С. Раҳимов, Октябрь ноҳиялари** — Октябрь алоқа узели (700021, Тошкент шаҳри, 21-алоқа бўлими, Охунбобоев майдони, 1-уй).

Телефонлар: бошлиқ — 42-59-88; бошлиқ ўринбосари 42-59-87; диспетчер — 42-59-83.

— **Ленин, Ҳамза, Сергели ноҳиялари** — Сергели алоқа узели (700148, Тошкент шаҳри, 148-алоқа бўлими, Авиасозлар шаҳарчаси, 5-А уй).

Телефонлар: бошлиқ — 55-88-49, бошлиқ ўринбосари — 55-15-93; диспетчер — 55-02-65.

Бундан ташқари, 0-67 телефони орқали қўнғироқ қилиб (иш вақти соат 8.30 дан 19.00 гача), Сиз олти рақамли почта индекси, Тошкент шаҳридаги алоқа бўлимларининг иш вақти ҳақида, шунингдек почталарни етказиб бериш билан боғлиқ бошқа маълумотларни олишингиз мумкин.

Тушлик танаффус— соат 13 дан 14.00 гача, дам олиш куни — якшанба.

Тошкент шаҳар почта алоқаси ва матбуот тарқатиш ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги

М. Қориёқубов номли ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

12 март соат 19.30 да

«ХОРАЗМ КУЙЛАГАЙ»

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ОЛМАХОН ҲАЙИТОВАнинг


35 ЙИЛЛИК ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН

ИЖОДИЙ КЕЧАСИ

Программада Хоразм халқ ҳофизлари ва хонандалари, «Лазги» вокаль-хореографик ансамбли, Хоразм филармониясининг солистлари иштирок этадилар.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

Билетлар Халқлар дўстлиги саройи кассаларида соат 11 дан бошлаб сотилади.



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

24 МАРТДАН — 1 АПРЕЛГАЧА СОАТ 11, 14, 17.00 ДА

мактаб ўқувчиларининг баҳорги таътил кунларида

БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

КАТТА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

2 бўлимдан иборат программада

Цирк санъатининг барча жанрлари иштирок этади.

Олдиндан билетлар сотиш кассаси ишлайди.

Касса соат 10 дан 20.00 гача очиқ.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-29-24.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?..»

«ҚИЗИҚЧИ-89» РЕСПУБЛИКА КЎРИГИНИНГ ҒОЛИБИ

ОБИД АСОМОВНИНГ

ЯНГИ ҲАЗИЛ ВА ҲАЖВИЯ ПРОГРАММАСИ

Программада Соҳибжон МАМАСОЛИЕВ ВА Баҳром МАҲМУДОВ қатнашадилар.

Постановкачи-режиссер — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти совриндори **Абдурашид РАҲИМОВ.**

Билетлар соат 11.00 дан сотилади.

«УЗБЕККОНЦЕРТ»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

7, 8 МАРТ СОАТ 19.30 да

Хоразм тароналари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон комсомолининг мукофоти совриндори КАРИМБОЙ РАҲМОНОВ

Лирик хонандалар ҚЎЗИБОЙ ОТАЖОНОВ, САЙЁРА НАЗИРОВА.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар ГАВҲАР МАТЁҚУБОВА, ОДИЛ КАМОЛХЎЖАЕВ.

«Қизиқчи-89» аския кўригининг совриндори ТОЛИБ ва ШЕРАЛИ ҲОЖИЕВЛАР, РУСТАМ МАМАДМУРОДОВ

Раққоса ЗУЛФИЯ УЗОҚОВА.

Программани Тошкент телевидениесининг диктори РАҲМАТИЛЛА МИРЗАЕВ **олиб боради.**

Билетлар сарой кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

13, 14 МАРТ СОАТ 19.30 ДА

«ҚАЛДИРҒОЧ ҚАНОТИДА КЕЛГАН ОВОЗЛАР»

ҚУШИҚ ВА ҚЎЛГИ КЕЧАСИ

ИШТИРОК ЭТАДИЛАР:

Шу йили ўтказиладиган барча конкурсларнинг бўлажак ғолиблари — истеъдод соҳиблари

ОДИЛ КАРИМОВ, САЛОМАТ ИБРОҲИМОВА ВА МИРСАИД ИСҲОҚОВЛАР

Сиз учун ўзларининг севги-муҳаббат, саховат, мурувват, гўзаллик ҳақидаги қўшиқларини бахшида этадилар.

Сизларнинг қалб тўрингиздан ўрин олган нодир сўз усталари...

ПРОГРАММАНИ интермедия ва тақлидлар билан Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари ГУЛЧЕҲРА ВА ЛУТФУЛЛА САЪДУЛЛАЕВЛАР олиб борадилар.

КЕЧАДАН ТУШГАН МАБЛАҒ ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИГА ЎТКАЗИЛАДИ.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Билетлар ССҒР халқлари дўстлиги саройининг кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

13, 14, 15 МАРТ СОАТ 17.00 ДА; 17, 18 МАРТ СОАТ 16, 19.00 ДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«КИ ХАБ»

Шарқ санъатининг ажойиб номерлари киритилган

МАХСУС ЯПОН-КОРЕЙС ПРОГРАММАСИ

Ижро этувчи — СИДЕО КИН ва унинг шогирдлари.

ПРОГРАММАДА — пичоқ билан, узун қиличда, бошда тўқмоқ билан тошни майдалаш, саржин ёриш ва ҳоказо номерлари.

Касса — соат 10 дан 20.00 гача очиқ..

Маълумотлар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-87.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг костюмида сиз

КЕЛИШГАН ВА БАШАНГ КЎРИНАСИЗ



Бу костюмлар модага мослаб бичилган, юқори сифатли матолардан энг янги ускуналарда тикилган. Улар классик услубдаги костюмлардир. Ранги оч кулранглан тўқ кулранггача, йўл-йўли ҳам бор. Бўй-басти 88 дан 120 гача, шимининг узунлиги 158 дан 184 гача. Баҳоси 88 сўмдан 150 сўмгача.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг костюмларини

Марказий универсал магазиндан, Бош универсал магазиндан, Кийим-кечаклар уйидан, «Мода» магазинидан, «Таштекстильшвейторг»нинг магазинларидан харид қилиш мумкин.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси.

ҚИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ

«Совэкспортфильм» Бутуниттифоқ бирлашмаси ва СССР Кино дўстлари жамияти билан ҳамкорликда

САНЪАТ САРОЙИДА

1990 ЙИЛ 6 МАРТДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

ИТАЛЬЯН КИНОСИ КУНЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

Программадан таниқли итальян режиссёрларидан Дзефирелли, Манчини ва бошқаларнинг янги ишлари ўрин олган.

Шунингдек, Сиз машҳур кино юлдузлари Клаудио Кардинале, Микеле Плачидо ва бошқаларни кўришингиз мумкин.

Сизларни итальян кинематографчилари, пойтахтимиз меҳмонлари билан учрашувлар кутади.

44-39-51, 44-39-52, 44-39-53 телефонлар орқали сеанслар тўғрисида маълумот олиш мумкин.

ҚИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ.

МАКТАБЛАР, ПИОНЕР ОРОМГОҲЛАРИ ВА БОЛАЛАР МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗКУЛЬТТОРГ» ТОШКЕНТ ВИЛОЯТЛАРАРО УЛГУРЖИ САВДО БАЗАСИ

нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан

ҚУЙИДАГИЛАРНИ СОТАДИ:

пионер горнлари — баҳоси 5 сўм 50 тийин.

пионер барабанлари — баҳоси — 15 сўм 50 тийин ва 12 сўм 82 тийин.

Мурожаат учун адрес: 700091, Тошкент шаҳри, Радость кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 98-43-95, 96-71-91.

«Узкультторг» Тошкент вилоятлараро улгуржи савдо базаси.

КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ

1990 ЙИЛ 6 МАРТДАН БОШЛАБ ТОШКЕНТ ШАҲРИ КИНОТЕАТРЛАРИДА ХАЛҚАРО 8 МАРТ КУНИГА БАҒИШЛАНГАН

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАРНИНГ ТЕМАТИК НАМОЙИШИНИ УТКАЗАДИ

«Нукус» кинотеатрида
6-7 мартда — **ҲАЛИМА НОСИРОВА**

«Ўзбекистон ССР 25 йиллиги» кинотеатрида
6-7 мартда — **ЭЗГУЛИК ЯРАТИЛИШИ**

«Москва» кинотеатрида
6-8 мартда — **ОЙИМҚИЗ.**

Лисунов номли кинотеатрда
6-8 мартда — **БИР РУС ОНАСИ ҲАҚИДА СЎЗ.**

«Қозоғистон» кинотеатрида
6-8 мартда —**ВЕРА, НАДЕЖДА, ЛЮБОВЬ...**

«Чайка» кинотеатрида
6-8 мартда — **ОЙИЖОН.**

Кинофильмларни ижарага бериш Тошкент шаҳар идораси.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»НИНГ

16-МАГАЗИНИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ!

Қайта таъмирланган ушбу магазин яна меҳмондўстлик билан илк харидорларни кутиб олди. Ўзига хос тарзда жиҳозланган савдо залида эркаклар ва аёлларнинг тайёр кийимлари билан савдо қилувчи бўлимлар жойлашган.

Савдодаги буюмлар хилма-хиллиги кўламидан: аёллар учун крепдешин, шоҳи кўйлаклар, костюмлар, юбкалар ва эркаклар учун шимлар, кўйлаклар, костюмлар ўрин олган.



Магазин Олой бозори ёнида, Каблуков кўчасида жойлашган. Иш соатлари: соат 9 дан 18 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача, дам олиш куни — душанба.

Транспорт: 2, 16, 23, 28-трамвайлар; 21-троллейбуснинг «Олой бозори» бекати.

«Таштекстильшвейторг»

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

8-АВТОБУС ПАРКИГА

«В, С, Д, Е», «ВСД» тоифасига эга биринчи ва иккинчи класс ҳайдовчилари. Ўртача маош ойига 300—350 сўмни ташкил этади;

ойига 250 сўм маош билан кондукторлар

КЕРАК

Бизнинг маконимиз: 700194, Юнусобод, даҳаси, Муродов кўчаси, 7-уй, 4-қават, кадрлар бўлими.

Олой бозоридан қуйидаги транспортда бориш мумкин: 67-«э» автобусида «8-автобус парки», «3-босмахона» бекатлари.

«Ташпасстранс» 8-автобус парки.

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Узавтотранстехника» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг лойиҳа-конструкторлик технология бюросига: **инженер-метролог 2-категориядаги техник, меҳнатига ишбай-мукофот тариқасида ҳақ тўланган ҳолда ускуналар диагностикаси бўйича электр слесарлар, инженер-конструктор, 3-категориядаги инженер-технолог, 1-категориядаги техник, ўзбек тилини билувчи машинистка.**

Қуйидаги маконга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 87-уй — Фрунзе район аҳолини ишга жойлаштириш бюроси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 8/III да **Концерт.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да **А. Қодирийнинг ўтган кунлари** (19.00), 7/III да **Келинлар нўғолони** (19.00), 8/III да **Таҳдир эшиги** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 5/III да **Шайтон ва мурдалар** (19.00), 7/III да **Гул ва Наврўз** (19.00), 8/III да **Табассум оқшоми** (19.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/III да **Паранжи сирлари** (12.00, билетлар сотилган), **Фармонбиби араздаи** (19.00, билетлар сотилган), 7/III да **Майсаранинг иши** (16.00, 19.00 билетлар сотилган), 8/III да **Отасининг қизи** (12, 16, 19.00, билетлар сотилган).

КИНО

5 МАРТДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «ОҚ СУЯК» (19), «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (17, 21).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНОГА АКТЕР ТАНЛАШ» (17, 21.00), «ФАНТОМАС» СКОТЛАНД ЯРДГА ҚАРШИ» (19.00).

К. Ерматов номли — «ОЙНАВАНД ЙЎЛАК» (тоқ соатларда).

Восток — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

6, 7, МАРТДА

Чайка — «ОҚ СУЯК» (11, 15, 19), «ЖИКАЛАР СУЛОЛАСИ» (13, 17, 21).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «КИНОГА АКТЕР ТАНЛАШ» (17, 21.00), «ФАНТОМАС СКОТЛАНД ЯРДГА ҚАРШИ» (11, 15, 19.00).

К. Ерматов номли — «ОЙНАВАНД ЙЎЛАК» (тоқ соатларда).

Восток — «ЖАНОБ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

Охунбобоев номли Республика медицина билим юрти томонидан **Алимов Абдуазим Мирзахметович** номига берилган 979679 номерли йўқолган

ДИПЛОМ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 65-ўрта мактаб томонидан **Алимов Абдуазим Мирзахметович** номига рилган 732489 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Қашқадарё область, Ульянов районидаги 3-ўрта мактаб томонидан **Қўзибоев Расулберди Қаландарович** номига берилган Д № 910917 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎЛЛАШ МАРКАЗИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«Гордорстройремонт» трестининг

3-РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИГА:

асфальт ётқизувчи ишчилар, йўл ишчилари, монтажчи-прораблар (ПГСда ишлаш тажрибасига эга бўлган), **мастер.**

Ишчиларга ишбай-мукофот тарзида ҳақ тўланади.

Маълумотлар юзасидан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 64-уй — Ленин район аҳолини ишга жойлаштириш бўлими.

«Узгипросвязь» институти жамоаси маҳсулот чиқариш бўлими бошлиғи М. Ф. Раҳматуллаева акаси

Жунайдулла РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Яншанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р 01143.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.